Кубертен спортни оммалаштириш мақсадида халқаро спорт мусобақаларини ташкил қилиш тўғрисида кўп ўйлади. Археологик қазилмалар натижасида қадимги Олимпия Ўйинларига доир бўлган топилмалар ўша даврда кенг жамоатчиликни қизиқтирар эди. Буни сезган Кубертен мусобақаларни тиклаш лойиҳасини ишлаб чиқди ва таклиф қилди.

ХОҚ ташкил қилингандан сўнг (1894 йил 23 июн) Кубертен бош котиб лавозимида ишлаган. Конгрессда Кубертеннинг дўсти Деметриус Викеласнинг (Греция) фикри маъқулланган ва биринчи замонавий Олимпия Ўйинлари қадимги ўйинларнинг давоми сифатида Грецияда ўтказилишига келишилган.

Биринчи Замонавий Олимпия Ўйинлари 1896 йил Афинада (Греция) ўтказилган. **1914 йилда ХОҚнинг Париж Конгрессида Олимпия байроғи** Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган. Олимпия байроғи тўртбурчак шаклидаги оқ матога бешта халқа жойлаштирилган бўлиб, улар бир-бири билан туташган. Матога чегара чизиқлари йўқ. Халқаларнинг ранглари юқоридан ўнгга қараб кўк, қора, қизил ва пастдан ўнгга сариқ, яшил рангда бўлиб улар ер юзининг бешта қитъасини билдиради³. Олимпия байроғида туширилган тасвирнинг моҳияти бутун дунёда бирлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб қилишдир. Халқлар ва давлатлар орасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш, мамлакатлар ўртасида иноқликни таъминлашни назарда тутди (**2-расм**).



2-расм. Олимпия байроғи ва рамзи.

³Қаранг, ўша манбаа.

Умуман олганда ўша даврда Олимпия Ҳаракати ёки шунга ўхшаш қандайдир мукамал тизимни ташкил қилиш, бу орқали инсонлар, халқлар маънавий ва жисмоний камолотини таъминлаш ҳамда ер юзида тинчликни сақлаш зарур эди. Бундай шароитда Халқаро Олимпия Кўмитасининг ташкил этилиши ва Олимпия Ҳаракатининг тарғиб қилиниши ўзига хос аҳамият касб этди. Олимпия Ўйинлари ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг (масалан, Олимпия Ҳаракати, Олимпия ғоялари, Олимпия таълимоти кабилар) юзага чиқиши бутун бир такрорланмас тизимнинг амал қилишини кўрсатди.

Олимпизм борасидаги фикр ва мулоҳазалар кенг қамровлидир. Уни фан сифатида ўрганиш имконияти ҳам мавжуд. Бугунгача қатор адабиётлар, мақолалар ва бошқа илмий-услубий нашрлар чоп этирилган. Дунё миқёсида Олимпия Ҳаракатини тадқиқ қилишга доир изланишлар олиб борилган ва бу жараён изчил амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Олимпизмнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари ҳам мавжуд. Буни биз Олимпия ғоялари мазмуни ёки Олимпизм принципларида назарда тутилган вазифаларда кўришимиз мумкин.

Олимпизм бир сўз билан айтганда Олимпия Ўйинларини тарғиб қилиш тўғрисидаги ғоялар ва қоидалар тизими. Олимпизмни ривожлантириш, уни халқлар орасида тарғиб қилиш ва ривожлантиришнинг катта аҳамияти бор. Замоनावий Олимпия Ўйинлари ташкил қилинган даврда айнан шундай тизимни жорий қилиш лозим эди. Кубертеннинг узок йиллар давомидаги кузатишлари ва хулосалари жамиятда спортни ривожлантириш орқали қандайдир ижобий натижага эришиш мумкинлигини кўрсатди. Ҳаваскорлик ва профессионал спортни ривожлантириш борасида ўзининг аниқ таклифларини билдирди.

Спорт фақатгина жисмоний ривожлантириш, инсон жисмоний имкониятларини ошириш омили бўлибгина қолмай унинг маънавий, фалсафий ва илмий асослари мавжудлиги ҳамда уни халқлар орасида ривожлантириш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар Пьер де Кубертен томонидан илгари сурилди.

Кубертен томонидан бундай ғоя ва таклифларнинг билдирилиши кутилмаганда катта қизиқиш ва ҳайрат билан қарши олинди. Ўша даврнинг ижтимоий-психологик ҳолати, миллатлар, халқлар ва давлатлар орасидаги ўзаро зиддиятлар, ирқчилик, миллатчилик ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларнинг ечими сифатида Олимпия Ўйинларининг ташкил этилиши ўз самарасини бера бошлади. Кейинчалик Олимпия Ўйинлари такомиллашиб борди. Аммо бир нарса муҳимки Олимпизм ғоялари замонлар ўтса ҳам моҳиятан ўзгармади. Унда дунёни яхши томонга ўзгартириш, тинчлик ва инсонпарварликни таъминлаш доимо биринчи ўринда туради.

Олимпизмни тарғиб қилиш борасидаги ишлар кейинчалик янада оммалашиб кетди. Олимпия Ўйинлари таркибига янги спорт турларининг киритилиши, спортчилар таркибининг кенгайиши ва бошқа сабаблар эвазига Олимпизм ғоялари тобора кенгайиб борди.

П.кубертеннинг замонавий олимпия концепциясида шахс ривожланиши

Кубертеннинг ҳаёти давомидаги асосий фаолияти Олимпия ўйинларини қайта тиклашга қаратилганлиги ҳақида кўплаб далиллар мавжуд. Мисол учун, Олимпия таълими бўйича дарсликларда: “Кубертен Олимпия ўйинларини тиклашни таклиф қилган ўша ёшлик пайтдан бошлаб, бутун ҳаётини ушбу буюк ғояни амалга оширилишига бағишлади” деб қайд этилган.

Кубертен ҳаёти ва ижодини таҳлил қилиш натижасида у ўз фаолиятининг маълум бир босқичида, Олимпия ўйинларини жонлантириш ва бу фикрни амалга ошириш учун жуда кўп меҳнат қилган деб хулосага келиш мумкин. Унинг бу ғоясининг асосий мақсади – олимпия таълимини ўша пайтда мавжуд бўлган таълим ва тарбия тизимига ислоҳ қилиш эди.

Кубертен меросининг энг яхши тадқиқотчиларидан бири П. Булон бу ҳақда қуйидагича изоҳ беради: “Кубертен бутун ҳаёти давомида таълим тизимининг ислохотчиси бўлган. Буни ушбу мавзуга бағишлаган ахлоқий тарбия масалалари бўйича кўплаб асарлари тасдиқлайди масалан, "Утилитарная гимнастика" (1905), "Ахлоқий

тарбия муаммоси" (1907) ва "Ўзаро ҳурмат" (1915)".

Ж.Дюре бу ҳақида қуйидагича фикр юритади: "Кубертенинг кўз ўнгида Олимпия ўйинлари - мақсад эмас, балки фақат спортни оммолаштириш воситасидир, бу ўз навбатида таълим тизимининг асосий таркибий қисмидир".

Шу сабабли, Кубертен томонидан ишлаб чиқилган замонавий олимпия концепциясини ва ушбу концепцияга йўналтирилган қийматларни тўғри тушуниш учун, биринчи навбатда, Кубертенинг ўша пайтда мавжуд бўлган таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳақидаги умумий педагогик режаси билан яқин муносабатларни ҳисобга олиш керак.

Ҳар қандай таълим фаолияти шахснинг муайян идеалига асосланган, яъни инсоннинг қандай фазилатлари бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя "енг яхши", "мукамал", "намунали" ҳисобланади. Шу сабабли, Кубертен, таълимнинг янги тизимини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, бу тизимни йўналтириш керак бўлган шахснинг идеалини ўрганишга катта эътибор қаратди.

Қадимий Грециянинг тарихи ва фалсафаси билан боғлиқ бир қатор омиллар инсонпарварлик ғояларига қаратилган муаммоларни ҳал этишда унинг йўналишини белгилаб берди.

Инсоннинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғунлигини таъминлаш ғояси нафақат қадимги файласуфларнинг, балки кейинги давр фалсафачиларининг асарларида ҳам келтирилади.

И.Кант "Педагогика тўғрисида" рисоласида, маънавияти ва ташқи кўриниши мувозанатлашган, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди. У тана маданиятини қалб маданиятига боғлайди ва у ҳам маълум даражада жисмоний камолотга чорлайди.

XX асрнинг 20 йилларида "ҳолизм" - яхлитлик фалсафаси деб номланган янги фалсафий тенденция пайдо бўлди. Ушбу йўналиш доирасида инсон ички ва ташқи тамойилларнинг бир-бирига уйғунлиги билан ажралиб турадиган шахс сифатида қаралади. Ўтмишда ва ҳозирги вақтда инсоннинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун бўлиши зарурлиги ҳақидаги қарашлар инсонпарварлик йўналишидаги деярли барча педагогик тушунчаларда ётади.

Кубертен «баркамол инсон ғоясини» қайта тиклади. У қадимги юнон фалсафасида руҳ ва тана, мушаклар ва онг, гўзаллик ва фазилат ўртасидаги уйғун муносабатни ўз ичига олган янги педагогика типининг асосини кўрган. Кубертен ўз шахсий ғояларига асосланиб тана ва руҳни бир бутунликда тасаввур қилган ва улар айро ривожланиши мумкин эмас деб ҳисоблаган. Шунинг учун, деб ёзган эди у, "бу икки омил «эвритмия»га эришиш учун бир бутун уйғунликда бўлиши керак".

«Эвритмия» сўзини Кубертен кўпинча инсоннинг жисмоний ва маънавий қобилятларини уйғунлаштирувчи фикрни ифодалаш учун ишлатган.

Ушбу сўз XX асрнинг бошида Э. Хюн томонидан "мунтазамлик, мувофиқлик ва мутаносиблик" деб таърифланган. Баъзи бир изоҳли луғатда "гўзаллик, ҳаёт шакллариининг мукамаллиги ва ўзини ифода этиш"ни билдирадиган "эвритмия" Кубертин учун юқори маданиятли ва мукамал турмуш тарзининг мазмуни ва намоён бўлишини англатадиган атама бўлиб хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда Кубертен таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида шахснинг уйғун ривожланиш ғоясини амалга оширишнинг муҳим воситасини топиш учун бутун ҳаётини сарф этган.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. Джалилова Л.А. Олимпия билим асослари. Ўқув-услугий тавсиялар. Т.: ИТА-ПРЭСС, 2015.
2. Ernazarov E. Olimpiada-jahon sporti bayrami. Ilimiy-ommabop risola. Т.: "Sharq", 2008.
3. Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. Дарслик. Т.: "Фан ва технология", 2008
4. www.olimpic.uz - Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси.

3-март. ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ

Режа:

1. ХОҚ тузилмаси ва фаолияти
2. ХОҚнинг мақсади ва вазифалари
3. ХОҚнинг таркиби ва асосий органлари
4. ХОҚ президентлари

Таянч иборалар. Халқаро олимпия қўмитаси, ХОҚ Ижроия қўмитаси, Олимпия Хартияси, Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси, Халқаро спорт федерациялари, Бош ассамблея, Спорт арбитраж суди, ХОҚ конгресслари, ХОҚ сессиялари, Спорт арбитраж суди, ХОҚ президентлари.

ХОҚ тузилмаси ва фаолияти

Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) олимпия ҳаракатининг олий ҳокимиятидир. Олимпия ҳаракати ХОҚ олий ҳокимияти остида Олимпия шахсларни бирлаштиради. Халқаро Олимпия Қўмитаси томонидан эътироф этилиш Олимпия ҳаракатига мансублик мезони ҳисобланади.

Олимпия ҳаракатининг Олий раҳбар органи 1894 йил 23 июнда француз жамоат арбоби Пьер де Кубертен ташаббуси билан ташкил қилинди. ХОҚ таркибига 12 та давлатдан. Англия, Аргентина, Бельгия, Венгрия, Юнонистон, Италия, Янги Зеландия, Россия, АКШ, Франция, Швециядан иборат 14 та вакил киритилди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси қароргоҳи Лозанна (Швейцария)да жойлашган. ХОҚнинг расмий тиллари -француз ва инглиз тилларидир.

ХОҚ тизимида олимпия ўйинларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш, Олимпиада дастурлари, Олимпия бирдамлиги, олимпия ўйинларида иштирок этиш учун лицензиялар бериш доимий қўмиталари, шунингдек ғолибларни тақдирлаш, маданий дастурлар, молиявий, тиббий масалалар бўйича, матбуот ва бошқа хизматлар мавжуд.

ХОҚ шафелиги остида Халқаро Олимпия Академияси фаолият юритади. Бундай академиялар миллий олимпия қўмиталари томонидан ҳам ташкил этилган. ХОҚ таркибида Лозаннадаги Олимпия музейи ҳам бор.

ХОҚ 1969 йилда Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси — МОҚАни тан олган, 1967 йилдан фаолият олиб бораётган Халқаро спорт федерациялари Бош ассамблеяси — ХСФБА, ҳуқуқий жиҳатдан тўла мустақил, олимпия ўйинлари пайтида барча баҳсли масалаларни ҳал этадиган Спорт арбитраж суди — САС билан қалин ҳамкорлик қилади. Халқаро Олимпия Қўмитаси 1993 йил сентябрда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасини тан олган.

ХОҚнинг устав ҳужжати — Олимпия хартиясидир. ХОҚнинг Олимпия хартиясига биноан асосий вазифалари куйидагилардан иборат.

— ҳаваскорлик спорти асоси ҳисобланган жисмоний ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга ёрдам бериш;

— ёшларни спорт ёрдамида ўзаро келишув ва дўстлик руҳида тарбиялаш, шу орқали янги ҳамда тинч дунёни куришга ёрдам бериш;

— бутун дунёга олимпия тамойилларини кенг ёйиш, халқлар уртасида яхши ният муҳитини яратиш;

— жаҳон спортчиларини 4 йилда бир марта катта спорт байрами

— Олимпия ўйинларида учраштириш.

ХОҚ мажбуриятига ёзги ва кишки Олимпия ўйинларини мунтазам ўтказиш, уларни доимий такомиллаштириб бориш, бутун дунёда спортнинг ривожланишига раҳбарлик қилиш киради. ХОҚ Миллий олимпия қўмиталари (МОҚ) ҳамда Халқаро спорт федерацияларини (ХСФ) тан олиш тугрисида қарор қабулқилади. 1994 йилнинг 1 январига қадар 197 та МОҚ ва олимпия спорт турлари бўйича 31 та ХСФ тан олинган.

ХОҚ ёзги ва қишки Олимпия ўйинларини ўтказиш, улар дастурларини белгилаш, олимпия ўйинларини муттасил такомиллаштириб бориш, шаҳарларга Олимпиадаларни ўтказиш ҳуқуқини бериш масалаларини ҳал этади, ҳаваскорлик спортини ривожлантиришни рағбатлантиради, турли мамлакатлар спортчилари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш чораларини кўради, миллий олимпия кўмиталари фаолиятини мувофиқлаштиради, Олимпиадалар пайтида халқаро спорт федерацияларига ўз спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини техник назорат қилиш ҳуқуқини беради, олимпия ҳаракатини ривожлантиришга раҳбарлик қилади.

ХОҚ Миллий олимпия кўмиталари ва халқаро федерацияларини тан олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, улар билан қалин ҳамкорлик қилади.

Халқаро Олимпия Кўмитасининг олий органи ХОҚ сессиясидир. У йилига бир, Олимпиадалар йилида икки марта ўтказилади. Олимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари муҳокама этиладиган ХОҚ Конгресслари, қоида бўйича, саккиз йилда бир марта ўтказилади.

ХОҚ сессиялари орасида Халқаро Олимпия Кўмитаси кундалик фаолиятига ХОҚ Ижроия кўмитаси раҳбарлик қилади. Унинг таркиби ҳозирги пайтда 15 кишидан (ХОҚ Президенти ва тўрт нафар вице-президенти, 10 нафар аъзо) иборат.

ХОҚнинг 1999 йил 11—12 декабр кунлари бўлиб ўтган 110-сессиясида қабул қилинган қарорга мувофиқ, Халқаро Олимпия Кўмитаси таркибида 115 нафар аъзо бўлиб, уларнинг 15 таси халқаро спорт федерациялари ёки улар бирлашмалари вакиллари, яна 15 нафари миллий олимпия кўмиталари ёки уларнинг минтақавий ассоциациялари вакиллари, яна 15 таси Олимпиада мусобақаларида иштирок этаётган ёки энг узоғи билан тўрт йил аввалги Олимпиада ўйинларида иштирок этган спортчилар, қолган 70 нафари шахсий аъзолардан иборат бўлиши шарт. Бунда ХОҚнинг шахсий аъзолари орасида ҳар бир мамлакатдан биттадан ортиқ вакил бўлиши мумкин эмас. ХОҚ аъзоларининг ёши 18 ёшдан 70 ёшгача чегаралаб қўйилган.

2003 йилдан эътиборан ХОҚ аъзолари қайта сайланиш ҳуқуқи билан 8 йил муддатга сайланадилар. Мусобақаларда иштирок этаётган спортчилар ХОҚ аъзолигига олимпия ўйинлари вақтида олимпия қишлоғидаги олимпиадачилар томонидан сайланади. Бунда ёзги Олимпиадаларда энг кўп овоз олган 4 спортчи ХОҚ аъзолигига 8 йил, яна 4 нафар спортчи 4 йил, қишки Олимпиадаларда эса 2 спортчи 8 йил, яна 2 спортчи 4 йил муддатга сайланадилар. ХОҚ аъзолигига қолган 3 спортчи қитъалар ва спорт турлари бўйича мутаносиблик бўлиши мақсадида ХОҚ Ижроия кўмитаси томонидан тавсия этилади.

Халқаро Олимпия Кўмитаси Президентлари

Халқаро Олимпия Кўмитаси (ХОҚ) президенти ХОҚ аъзолари томонидан яширин овоз бериш йўли орқали саккиз йиллик муддатга сайланади. Ушбу муддат якунига етгач ХОҚ раҳбари яна тўрт йиллик муддатга қайта сайланиши мумкин.

ХОҚнинг амалдаги президенти Томас Бах (Германия). У 2013 йилнинг 10—сентябрь куни Халқаро Олимпия кўмитасининг Буэнос-Айрес шаҳрида (Аргентина) бўлиб ўтган 125-сессиясида ХОҚнинг президенти этиб сайланган.

Томас Бах ҳақида

Томас Бах (Thomas Bach) 1953 йилнинг 29 декабрида Вюрцбург шаҳрида туғилган. Вюрцбург Университетини тамомлаган. Мутахассислиги – ҳуқуқшунос, ҳуқуқшунослик фанлари доктори унвонига эга.

1976 йилда Монреалда ўтказилган XXI Олимпия ўйинлари Томас Бах қиличбозликнинг рапира йўналишида жамоавий баҳсларда олтин медални қўлга киритган.

Спортчилик фаолиятини яқунлаганидан сўнг у спорт бошқарувчиси (функционер) сифатида ишлай бошлаган.

1981 йили Баден-Бадендаги XI Олимпия Конгрессида спортчилар вакили сифатида ХОҚнинг комиссияси таркибига киритилган.

2013 йилнинг 10 сентябрида Халқаро олимпия кўмитаси президенти лавозимини эгаллаган.



Викелас Деметриус (1835 йил, Эрмуполис, Греция – 1908 йил 20 июнь, Афина) – Халқаро Олимпия Қўмитасининг биринчи Президенти. Замоनावий олимпия харакати ташкилотчиларидан бири. 1894 йил июнь ойида Парижда ўтказилган Халқаро таъсис конгрессида замонавий олимпия харакати муаммолари муҳокама қилинган шўъбага раҳбарлик қилган.

Мазкур конгрессда Халқаро Олимпия Қўмитасининг аъзоси ҳамда Президенти этиб сайланган. 1896 йилда I Олимпиада ўйинларини Афинада ўтказишни таклиф қилган ва бу замонавий олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтишига катта ҳисса қўшган.

Олимпия ўйинлари ниҳоясига етганидан сўнг истеъфога чиққан. 1897 йилгача Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзоси бўлган. Хаётининг сўнгги ўн йилини бадий ижодиётга бағишлаган.



Барон Пьер де Кубертен — Халқаро олимпия харакатининг буюк арбоби, замонавий олимпия харакатининг асосчиси, Халқаро Олимпия Қўмитасининг иккинчи Президенти. 1863 йилнинг 1-январ куни Париж шаҳрида француз рассоми оиласида туғилган. Болалигидан чавандозликни хуш кўрган, қиличбозлик ва эшак эшиш билан шуғулланган. Париж лицейларининг бирида, ҳарбий мактабда, сўнг Париж университетиде ўқиб, санъат, фан ва ҳуқуқ бакалаври даражасини олган. Таълимни сиёсий фанлар эркин мактаби (Эколь Премьер)да давом эттирган.

1894 йилда Халқаро Олимпия Қўмитасининг Бош котиби, 1896 йилда Президенти этиб сайланган. Пьер де Кубертеннинг бевосита раҳбарлигида Халқаро Олимпия Қўмитаси II, III, IV, V, VII, VIII Олимпия ўйинларини, Шамонида расмий равишда I Қишки Олимпиада мақоми берилган қишки спорт ҳафталигини ўтказди. 1925 йилда ўз хоҳишига мувофиқ Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти лавозимидан истеъфога чиққан. Шу санадан умрининг охиригача — ХОҚнинг фахрий Президенти бўлган.

Олимпия харакати, спорт тарихи, шунингдек социология, фалсафа, сиёсат, археология, фаннинг бошқа соҳаларига оид 30 та китоб, 50 та рисола, 1200 тадан ортиқ мақолалар муаллифи.

Пьер де Кубертен 1937 йилнинг 2 — сентябр санасида ҳаётдан кўз юмган. Васиятига кўра Женева (Швейцария)га дафн этилган. Греция Миллий Олимпия қўмитасининг таклифи билан юраги балзамлаштирилиб, маҳсус идишда Олимпия шаҳри муқаддас даргоҳига кираверишдаги ёдгорлик ичига жойланган.



Байе-Латур Анри-де, граф (1876 йил, 1 март — 1942 йил 6 январь, Брюссель) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг учинчи Президенти.

Бельгиянинг Антверпен провинцияси собиқ губернатори оиласида дунёга келган. Болалик пайти ва Левен университетида ўқиган йиллари спортнинг чавандозлик турига қизиққан. Университетни тамомлагандан кейин дипломатик хизматда: Бельгия ҳукумати топшириқларини бажарган, унинг Голландиядаги дипломатик вакили бўлган.

1903-йилда Бельгиядан Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзоси этиб

сайланган. 1905 йилда ХОҚнинг III конгрессини тайёрлаш ва ўтказишга шахсан катта хисса қўшиб, бу халқаро ташкилотда катта обрў — эътибор қозонган. 1906 йилга Бельгия Миллий олимпия қўмитаси тасисчиларидан бири бўлган.

Бевосита унинг тасири туфайли Бельгиянинг Антверпен шаҳри 1920 йилги олимпия ўйинларининг пойтахти этиб танланган. Антверпен биринчи жаҳон уруши йиллари вайронага айлантирилганлигига қарамасдан VII Олимпиадани ўтказиш ташкилий қўмитасининг президенти этиб сайланган Анри де Байе-Латур бу жаҳон спорти байрами муваффақиятли ўтишини таъминлашга катта хисса қўшган.

Халқаро Олимпия Қўмитаси 1921 йилда ўзининг биринчи Ижроия қўмитасини шакллантирганда Анри де Байе-Латур унинг аъзоси этиб сайланди. 1922 йилда Бразилияда ўтказилган Жанубий Америка ўйинларида ХОҚ раҳбарияти вакили бўлган Байе-Латур бу минтақа спорт ташкилотларидаги турли можаро ва муаммоларни муваффақиятли хил эта олган.

Халқаро Олимпия Қўитасининг 1925 йил 28 майдаги 24-сессиясида Анри де Байе-Латур икки тур овоз беришдан сўнг ХОҚ Президенти этиб сайланди.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1933 йил Венада бўлиб ўтган сессиясида Анри де Байе-Латур иккинчи саккиз йил муддатга ХОҚ Президенти этиб сайланди.

Анри де Байе-Латур раҳбарлигида ХОҚ II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX, X, XI Олимпиадаларни, IX, X, XI Олимпия ўйинларини ўтказди.

Эдстрем Юханнес Зигфрид (1870 йил 21 ноябрь, Гетеборг, Швеция — 1969 йил 18 март, Стокгольм, Швеция) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг тўртинчи Президенти дир.

Юханнес Эдстрем Швеция ва, АҚШда таълим олган, Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги Федерал технология институтида муҳандис-энергетик ихтисослигини эгаллаган. Шундан кейин, АҚШ ва Швейцария концерларида ишлаган, XIX аср охирида Швецияга қайтиб трамвай корпорациясида фаолиятини давом эттирган. Кейин Швецияда энг йириклардан ҳисобланган «ASSA» компаниясининг президенти бўлган.

Юханнес Эдстрем ёшлигидан энгил атлетика билан шуғулланган. 1891 йилда 100 ва 150 метрга югуришда Швеция рекордини ўрнатган

1901–1903 йилларда Швеция энгил атлетика федератсиясининг президенти бўлган, Швеция спортини ривожлантириш маъмурий органи — риксидроттсфербундер ташкилотчиларидан биридир. У Стокгольмдаги бешинчи олимпия ўйинлари ташкилотчиларидан ҳисобланади.

1912 йилда Юханнес Эдстрем Халқаро хаваскор энгил атлетикачилар федератсияси — ИААФнинг биринчи президенти этиб сайланади. У 1946 йилгача ана шу лавозимда бўлди. Юханнес Эдстрем 1921 йилда Халқаро Олимпия

Қўмитаси аъзоси, кейин ХОҚ Ижроия қўмитасининг аъзоси этиб сайланган. 1931 йилда Юханнес Эдстрем ХОҚ вице-президенти этиб сайланди.

1946 йилда ХОҚнинг 40-сессиясида Юханнес Эдстрем Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти этиб сайланди. Юханнес Эдстрем пьер де Кубертаннинг хаваскор спортни ривожлантириш



тамойилининг тарафдори эди. У олимпия харакатида миллатчиликнинг хар қандай кўринишига қатъий қарши эди Юханнес Эдстрем ХОҚнинг 1949 йилдаги 44-сессиясида Халқаро олимпия академиясини ташкил этиш таклифини қўлаб қувватлади. Бу ғоя 1961 йилда амалга оширилди. Юханнес Эдстрем ХОҚнинг 1950 йилги 45-сессиясида санъат танловларини олимпия ўйинлари дастуридан чиқариш, Олимпиада доирасида турли санъат фестиваллари, кўргазмалари ўтказиш таклифларини киритди.

Бу ўн бешинчи Олимпиададан бошлаб амалга оширилди Юханнес Эдстрем ХОҚнинг 1952 йил 16 июль куни бўлиб ўтган 48-сессиясида ўз илтимоси юилан истефога чикди. У умрининг охирига қадар ХОҚнинг фахрий президенти эди.



Брендеж Эйвери (1887 йил 28 сентябрь, Детройт, АҚШ — 1975 йил 7 май, Гармиш — Партенкихерен, Грмания) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг бешинчи Президенти.

Ишчи оилачида туғилган, 1893 йилда оиласи билан Чикагога кўчиб кетгач, шервуд ўрта мактабида бошланғич таълимни олади, 12 ёшидан «Чикаго трибюн» газетасини тарқатувчи бўлиб ишлай бошлайди. Бу ишини хусусий коллежда ўқиш билан бирга қўшиб олиб боради. Коллежда енгил атлетика кўпгтнп турлари, футбол ва баскетбол билан шуғулланади.

1909 йилда Иллинойс штати университетини тугаллаб, мухандис-қурувчи ихтисослигини эгаллаган Эйвери Брендеж Чикагодаги «Холаберд ва Роше» меъморчилик фирмасида қурилиш бошқарувчиси вазифасида ишлаш билан бирга спорт билан фаол шуғулланади. У енгил атлетика кўпкураши бўйичи, АҚШ биринчилигининг 1910 йилги совриндоридир. 1912 йилги Стокгльм Олимпиадасида, АҚШ терма жамоаси сафида енгил атлетика бешкураши бўйичи бешинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган. Спортчи 1914, 1916 ва 1918 йилларда енгил атлетика кўпкураши бўйича мамлакат чемпиони хам хисобланади. Сўнг у қўл тўпи билан шуғуллана бошлаб, спортнинг бу турида Американинг энг яхши ўн ўйинчисидан бири, деб хам тополган.

Эйвери Брендеж 1925–1927 йилларда қўл тўпи бўйичи миллий қўмита раиси, 1928–1935 йилларда, АҚШ Хаваскор атлетика ассоциацияси, 1928–1952 йилларда, АҚШ миллий олимпия қўмитаси президенти бшлган. У 1930 йилда Халқаро хаваскор енгил атлетика федерацияси вице-президенти, 1936 йилда ХОҚ азоси, 1937 йилда ХОҚ Ижроия қўмитаси қўмитаси азоси, 1945 йилда ХОҚ вице-президенти, 1946-йилда биринчи вице-президенти этиб сайланган.

1952-йил июнь ойида ХОҚнинг Хельсинкида бўлиб ўтган 48-сессиясида Эйвери Брендеж Халқаро Олимпия

Қўмитасининг Президенти этиб сайланди.

Эйвери Брендеж биринчи бўлиб ХОҚнинг Олтин медали билан тақдирланган. У 85 ёшида ХОҚнинг 1972 йилда Мюнхенда бўлиб ўтган 73-сессиясида ўз ихтиёрига кўра истефога чикди. Эйвери Юрендеж хаётининг сўнгги йилларини Германиянинг Гармиш-Партенкирхен шаҳрида ўтказди ва васиятига кўра шу ерда дафн этилди.



Килланин Майкл Моррис, лорд (1914 йил 30 июль, Лондон) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг олтинчи президенти.

Майкл Килланин Париж ва кембриж университетларида таълим олган. Ёшлигидан спортнинг чавандозлик бокс ва эшкак эшиш турлари билан шуғулланган.

1935–1936 йилларда Майкл Килланин «Дейли экспресс» газетасида мухбир, 1937–1938 йилларда бу нашрнинг Осиёдаги харбий мухбири, 1938–1939 йилларда «Дейли мейл» ва «Санди диспетчер» газеталарида сиёсий шархловчи бўлиб ишлаган.

1938–1945 йилларда Буюк Британия Куролли Кучларининг зобити, иккинчи жахон уруши қатнашчисидир. Ўтган аср 40-йилларининг охири 50-йилларнинг бошларида Майкл Килланин турли саноат фирмаларида маъмурий лавозимларни эгаллаган.

1950 йилда Ирландия миллий олимпия қўмитасининг Президенти этиб сайланган Майкл Килланин олимпия харакатининг фаолларидан биридир. У 1952 йилдан Халқаро Олимпия Қўмитасининг аъзоси, 1967 йилдан ХОҚ Ижроия қўмитаси аъзоси, 1968 йилдан ХОҚнинг вице-президентиدير. У 1972 йилда ХОҚнинг Мюнхенда бўлиб ўтган 83-сессиясида Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти этиб сайланди.

Майкл Килланин Олимпия харитасидаги ҳаваскор спортчи мақомига аниқликлар киритилган «26 қоида» муаллифларидан биридир. У спортни тижоратлаштиришга қарши бўлгани холда миллий олимпия қўмиталарининг ўз спортчиларини олимпия ўйинларига тайёргарлик кўришлари ва уларда қатнашишлари билан боғлиқ бўлган харажатларини қоплашларига хайрихоҳлик билдирган. Майкл Килланин ХОҚ Президенти лавозимида эканлигида Халқаро Олимпия Қўмитасининг миллий олимпия қўмиталари ва халқаро спорт федерациялари билан алоқалари мустаҳкамланди.

Майкл Килланин ривожланаётган давлатларда олимпия харакатини, спортни ривожлантиришга катта хисса қўшди. У ХОҚнинг «Олимпия бирдамлиги» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташаббускори бўлди. ХОҚ Майкл Килланин раҳбарлигида Монреалдаги XXI, Москвадаги XXII олимпия ўйинларини, Инсбургдаги XII ва Лейк-Плэсиддаги XIII қишки Олимпиадаларни ўтказди. Бу даврда турли сиёсий қарама-қаршилиқлар, олимпия ўйинларини бойкот қилишга уринишларга қарамасдан Майкл Килланин раҳбарлигидаги ХОҚ олимпия харакатини парчаланиб кетишга йўл қўймади.

Майкл Килланин 1980 йилда ўз хохишига кўра ХОҚ Президентлиги лавозимидан истеъфога чиқди.



Самаранч Хуан Антонио, маркиз (1920 йил 17 июль, Барселона, Испания) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг еттинчи Президенти.

Хуан Антонио Самаранч университетнинг тижорат факультетини тугаллагандан сўнг бизнес фаолиятини спорт устозлиги билан қўшиб олиб борди. У ёшлигида бокс, роликли конькида хоккей билан шуғулланган. Кейинчалик у устозлик қилган Испаниянинг роликли хоккей жамоаси жаҳон чемпиони ҳам бўлди. 1940–1950 илларда Хуан Антонио Самаранч Барселона муниципалитетининг маслаҳатчиси бўлган, сўнг Испания роликли хоккей миллий федерациясининг президенти этиб сайланган.

1963 йилда Хуан Антонио Самаранч Испаниянинг спорт олий кенгаши раҳбари лавозимига тайинланади. У 1955 йилда Барселонада ўтказилган иккинчи Ўрта денгиз ўйинларининг ташкилотчиларидан биридир. У 1956 йилдаги VII қишки Олимпиада, 1960 йилги XVII ва 1964 йилги XVIII олимпия ўйинларида Испания спорт делегациясининг раҳбари бўлган.

1967 йилда Хуан Антонио Самаранч Испания миллий олимпия қўмитасининг Президенти этиб сайланади. У 1968 йилдан Халқаро Олимпия Қўмитаси протоколи раҳбари, 1970 йилдан ХОҚ Ижроия қўмитаси аъзоси, 1974 йилдан ХОҚ вице-президенти дир. У 1977 йилда Испаниянинг собиқ Иттифокдаги элчиси бўлган.

1980 йил июль ойида ХОҚнинг 83-сессиясида Хуан Антонио Самаранч овоз беришнинг биринчи босқичидаёқ Халқаро олимпия Қўмитаси Президенти этиб сайланди.

Хуан Антонио Самаранч бу лавозимни эгаллаши билан олимпия харакатини давр талабига мослаштириш, ХОҚ олимпия доирасини кенгайтириш, спортда допингга қарши курашиш каби асосий тамойилларни ўз ичига олган фаолият дастурини эълон қилди.

1982 йил бошида Хуан Антонио Самаранч Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибига БМТ томонидан Халқари Олимпия Қўмитасининг мутлақ мустақиллигини ҳамда унинг жаҳоннинг хохлаган қисмида ташқаридан бирон-бир аралашувларсиз олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини эътироф этиш таклифи билан мурожаат қилди.

Хуан Антонио Самаранч раҳбарлигида ХОҚ XIV, XV, XVI, XVII, XVIII қишки Олимпиадалар ҳамда XXIII, XXIV, XXV, XXVI, XXVII олимпия ўйинларини ўтказди. 1986 йилдан профессионал спортчиларнинг олимпия ўйинларида иштирок этишларига рухсат берилиши ҳам Самаранч номи билан боғлиқ.

1991 йилда Испания қироли Хуан Карлос Хуан Антонио Самаранч Тореллога маркиз унвонини марҳамат қилди.

2000 йилда Хуан Антонио Самаранч ўз хоҳишига кўра ХОҚ Президенти лавозимидан истеъфога чиқди.



Рогге Жак (1942 йил, 2 май, Гент, Бельгия) — Халқаро Олимпия Қўмитасининг саккизинчи Президенти.

Жак Рогге ихтисослиги бўйичи хирург ва тилшуносдир. У регби бўйичи Бельгия терма жамоаси аъзоси бўлган. Жак Рогге елканли қайиқ спортида Бельгиянинг ўн олти карра чемпиони ҳамда жаҳон чемпиони. У 1968, 1972, 1976 йиллардаги олимпия ўйинларида елканли қайиқ мусобақаларида иштирок этган.

Жак Рогге 1989 йилда Европа Олимпия қўмиталари ассоциациясининг президенти ҳамда Миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси — АНОК вице-президенти этиб сайланди. 1989 — 1992 йилларда Бельгия Миллий олимпия қўмитасининг президенти бўлган.

1998 йилдан Жак Рогге ХОҚ Ижроия қўмитасининг аъзосидир. Жак Рогге 2000 йилда ХОҚнинг сессиясида Халқаро Олимпия Қўмитасининг саккизинчи Президенти этиб сайланган.

ХОҚ Президентлари [\[tahrir\]](#)

Prezident	Mamlakat	Prezidentlik yillari	Qo‘shimcha qaydlar
<u>Vikelas Demetrius</u>	 Yunoniston Gretsiya	1894—1896	
<u>Baron Pier de Kuberten</u>	 Fransiya	1896—1916 va 1919—1925	Eng uzoq muddat 29 yil Prezidentlik qilgan
<u>Baron Godfrua de blone</u>	 Shveytsariya	1916—1919 (v. b.)	
<u>Graf Anri de Baye-Latur</u>	 Belgiya	1925—1942	ХОҚ qarorgohida vafot etgan
<u>Zigfrid Edstrim</u>	 Shvetsiya	1946—1952 (v. b. 1942—1946)	
<u>Everi Brebdejd</u>	 AQSH	1952—1972	Shu kunga qadar Evropalik bo‘lmagan Prezident
<u>Lord Maykl Killanin</u>	 Irlandiya	1972—1980	
<u>Markiz Xuan Antonio Samaranch</u>	 Ispaniya	1980—2001	Ikkinchi eng ko‘p muddat (21 yil) Prezidentlik qilgan
<u>Graf Jak Roje</u>	 Belgiya	2001—2013	Ikkinchi belgiyalik prezident.
<u>Tomas Bax^[1]</u>	 Germaniya	2013-yildan	1976-yilgi olimpiada chempioni

ХОҚ ижроия қўмитаси 1921 йилда ташкил топган. У ХОҚ Президенти, тўрт нафар вице-президентлар ва ўн нафар аъзодан иборат. Ижроия қўмитасининг аъзолари Сессияда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Вице-президент ва ўн нафар ижроқўм аъзосининг ваколат муддати тўрт йилни ташкил этади.

ХОҚ Ижроия қўмитаси таркиби

ХОҚ ижроия қўмитаси 1921 йилда ташкил топган. У ХОҚ Президенти, тўрт нафар вице-президентлар ва ўн нафар аъзодан иборат. Ижроия қўмитасининг аъзолари Сессияда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Вице-президент ва ўн нафар ижроқўм аъзосининг ваколат муддати тўрт йилни ташкил этади.

ХОҚ Ижроия қўмитаси таркиби

ПРЕЗИДЕНТ

Жак Рогге
(Бельгия)

ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТЛАР

Марио Песканте
(Италия)

Сэр Мьян Нг
(Сингапур)

Томас Бах
(Германия)

Юй Цзайцин
(КНР)

Ижроия қўмитаси аъзолари

Сам Рамсами
(Жанубий Африка
Республикаси)

Герхард Эйберг
(Норвегия)

Герхард Эйберг
(Норвегия)

Рене Фазель
(Швейцария)

Марио Васкэз Ранья
(Мексика)

Фрэнк Фредерикс
(Намибия)

Фрэнк Фредерикс
(Намибия)

Рихард Л. Каррион
(Пуэрто-Рико)

Грэг Риди
(Британия)

Жон Коатс
(Австралия)

- Маданият ва Олимпия таълимоти бўйича Комиссия.
- Спортчилар Комиссияси.
- Ахлоқ Комиссияси.
- Йўналишлар бўйича Комиссия.
- «Аёллар ва спорт» ишчи гуруҳи.
- Молиявий комиссия.
- Юридик Комиссия.
- Маркетинг бўйича Комиссия.
- Тиббий Комиссия.
- Пресс Комиссия;

- Олимпия дастурлари бўйича Комиссия.
- Радио ва Телевидения бўйича Комиссия.
- Олимпия бирдамлиги Комиссияси.
- «Спорт ва ҳуқуқ» Комиссияси.
- «Спорт ва атроф» Комиссияси.
- «Спорт барча учун» Комиссияси.
- Олимпия Филателияси, Нумизматика ва Меморабилияси бўйича Комиссия.
- Халқаро алоқалар бўйича Комиссия.
- Телевизион ва Интернет ҳуқуқлар бўйича Комиссияю
- Олимпия ўйинларини ўрганиш бўйича Комиссия.
- Олимпия кенгаши ордени.

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. Джалилова Л.А. Олимпия билим асослари. Ўқув-услубий тавсиялар. Т.: ИТА-ПРЭСС, 2015.
2. Ernazarov E. Olimpiada-jahon sporti bayrami. Ilmiy-ommabop risola. Т.: “Sharq”, 2008.
3. Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2008
4. olympic.org - Халқаро Олимпия қўмитаси расмий вебсайти.

4-майруза: ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ

1. Миллий олимпия қўмитасининг мақсадлари
2. Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси фаолияти
3. Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси таркиби
4. Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси президентлари

Таянч иборалар. Миллий олимпия қўмитаси, МОҚнинг мақсадлари, МОҚнинг ички ва ташқи функциялари, Бош Ассамблея, Ижро этувчи қўмита (Ижроқўм), Ижроқўм буроси, МОҚ президентлари.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси	
Мақоми	Амалда
Шиори	Sitius, Altius, Fortius
Масқади	Спорт
Ишга тушган санаси	1993-йил
Жойлашуви	Тошкент
Президент	Rustam Mavzurovich Shoabdurahmonov
Аъзолари	Халқаро Олимпия Қўмитаси, Осиё Олимпия Кенгаши
Вебсайти	www.olympic.uz
Тил(лар)и	Ўзбек

Миллий Олимпия Қўмитаси (МОҚ) — мамлакат номидан олимпиада ҳаракатида вакил бўлиб қатнашувчи ташкилот. МОҚни Халқаро олимпиада қўмитаси (ХОҚ) тан олмаса, миллий жамоалар Олимпиада ўйинларига қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси [1992-йил 21-январда](#) Тошкент шаҳрида чақирилган конференция қарори билан ташкил топган. [1993-йил](#) сентябр ойида [Халқаро Олимпия Қўмитаси](#) нинг 101-сессиясида тасдиқланган.^[1]

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси (МОҚ) [спорт](#) ва жисмоний маданиятни

ривожланитириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Олимпиядага оид таълим, Олимпия кадриятлари оммалаштириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ишларида иштрок этади, спорт мураббийлари ва спорт ташкилотларини қўллаб-қувватлайди.

МОҚ билан [Халқаро Олимпия Қўмитаси](#), [Осиё Олимпия Кенгаши](#), [Миллий Олимпия қўмиталари жамияти](#) ва бошқа қатор халқаро спорт федерациялари ҳамда ташкилотлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.^[2]

МОҚнинг мақсадлари:

- олимпиада ҳаракати ва ҳаваскорлар спортини ривожлантиришга ёрдам бериш;
- мамлакат спортчиларининг Олимпиада ўйинларида иштирок этишини таъминлаш;
- Ўзбекистон ва бутун дунё спортчилари ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш.

МОҚнинг олий органи Бош ассамблея, у одатда, бир йилда камида бир марта чақирилади. Ассамблеялар орасидаги давр ичида МОҚ ижроия қўмитаси олимпиада ҳаракатига раҳбарлик қилади.

[Ўзбекистон Республикаси](#) МОҚ раҳбарлигида иш олиб борувчи ЎЗР Олимпия академияси ташкил қилинган (1993). У кўнгилли жамоат ташкилоти ҳисобланиб, олимпиада ҳаракати ва олимпиада ўйинларининг кадрият ва тамойилларини ўрганади ва оммалаштиради. Олимпиада ғояларини тарғиб қилиш мақсадида [Тошкентда](#) Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи ташкил этилган(1996). Музейда Ўзбекистон ва халқаро олимпия ҳаракати, миллий спорт турлари тарихи, машҳур спортчилар эришган муваффақиятлардан ҳикоя қилувчи экспонатлар тўпланган.^[3]

-Умумжамоа ҳисобида: 204 давлат орасида 47-ўрин

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг фаолияти

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси^[4] (МОҚ) нодавлат ноижорат ташкилот бўлиб, у ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ), Олимпия Хартияси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Устави асосида амалга оширади. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси республикада [жисмоний тарбия](#) ва спортни ривожлантириш бўйича бир қатор муҳим функцияларни бажаради. МОҚнинг асосий функцияларини *ички* ва *ташқи* функцияларга бўлиш мумкин.

Ички функцияларга қуйидагилар тегишли:

5. Ўзбекистонда [Олимпия Хартиясида](#) мустаҳкамланган тамойиллар асосида [Олимпия Ҳаракатини](#) ривожлантириш;

6. республика аҳолисини жисмонан ва маънавий-руҳий тарбиялашга кўмаклашиш;

7. жисмоний тарбия ва спорт билан [оммавий бандликни](#) ривожлантиришда иштирок этиш;

8. [миллий спорт турлари](#), ногиронлар ўртасидаги спорт турларини ривожлантиришни тарғиб қилиш, давлат ва жамоавий жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларига мамлакат терма жамоалари ва спорт заҳираларини тайёрлашга кўмаклашиш;

9. ёшларни ҳалол курашиш, рақибга ўзаро ҳурмат муносабатида ва халқлар ўртасидаги дўстлик руҳи тамойиллари асосида тарбиялаш;

10. Ўзбекистонда [Олимпизм ғояларини](#) тарғиб қилиш, инсонларни Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг муваффақиятлари билан таништириб бориш, Олимпия таълимини ривожлантириш;

11. спорт кадрларининг малакасини ошириш ва тажриба алмашиш бўйича конференциялар, семинарлар, курслар ташкил этиш;

12. спортни қўллаб-қувватловчи фондлар ва хайрия ташкилотлари тузишда қатнашиш; спортчилар, мураббийлар, спорт ҳакамлари, спорт фахрийларининг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Ташқи функциялар ҳам булардан унчалик фарқ қилмайди:

• халқаро ареналарда Ўзбекистон Республикасининг тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва нуфузини ошириш;

- [Олимпия ўйинлари](#), [Осиё ўйинлари](#), Бутунжаҳон ёшлар ва Марказий Осиё ўйинларида мамлакат делегацияларига бошчилик қилиш;
- [ХОҚ](#), [ООҚ](#), бошқа давлатларнинг Миллий Олимпия кўмиталари, халқаро спорт бирлашмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш;
- [ХОҚнинг](#) „Олимпия бирдамлиги“ дастурларида иштирок этиш;
- Республика [спорт федерациялари](#) ва ташкилотларига уларнинг халқаро спорт уюшмалари ишларида фаол иштирок этишларига кўмаклашиш;
- хорижий муассасалар, ташкилотлар ва фирмалар билан Ўзбекистон МОҚ ваколатига кирувчи масалалар бўйича хизмат шартномаларини тузиш ва амалга ошириш;
- халқаро ташкилотларда Ўзбекистон [Олимпия Ҳаракати](#) ва спорт ташкилотлари манфаатларини тақдим этиш;
- халқаро (ноҳукумат) бирлашмаларга миллий давлат қонунчилиги асосида аъзо бўлиш;
- тўғридан-тўғри халқаро алоқа ва муносабатлар ўрнатиш, мамлакатлар ва ҳудудлар спорт уюшмалари билан битимлар имзолаш.

Ички функцияларни бажариш [1992](#)-йил 21-январдан, Ўзбекистон МОҚ тузилганидан бошлаб амалга оширила бошланди. Халқаро фаолиятни тўла амалга ошириш Халқаро Олимпия Кўмитаси ўзининг [1993](#)-йил сентябр ойидаги 101-сессиясида Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасини тан олган пайтдан бошлаган.^[5]









Ўзбекистоннинг Олимпиада ўйинларидаги медаллари

Ўзбекистон Олимпиячиларининг Ёзги Олимпиада ўйинларида эришган медаллари ^[6]



Ўзбекистоннинг жами медаллари									
Йил	Иштрокчи	Мезбон малакат	Байроқдор	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами	Ўрни	
1996	71	 Атланта	Темур Ибрагимов	0	1	1	2	58	
2000	70	 Сидней	Муҳаммадқодир Абдуллаев	1	1	2	4	41	
2004	69	 Афина	Абдулла Тангриев	2	1	2	5	34	
2008	56	 Пекин	Дилшод Маҳмудов	1	2	3	6	40	
2012	53	 Лондон	Элшод Расулов	1	0	2*	3	47	
2016	70	 Рио-де-Жанейро	Баходир Жалолов	4	2	7	13	21	

- [Лондон-2012](#) Олимпидасида бронза медалини қўлга киритган [Сослан Тигиев](#) организмда тақиқланган метилгексанеамин моддаси топилгани сабаб, бронза медалидан маҳрум қилинган.^{[7][8]}

Олимпиада ўйинлари тарихидаги совриндорлар

Медал	Спортчи	Ўйинлар	Спорт тури	Спорт баҳси
 Олтин	Лина Черязова	Лиллехаммер 1994  Норвегия	 Фристайл	Аёллар фристайл
 Бронза	Карим Тўлаганов	Атланта 1996  АҚШ	 Бокс	Эркалар енгил вазн
 Кумуш	Армен Багдасаров	Атланта 1996  АҚШ	 Дзюдо	Эркалар ўрта вазн

Медал	Спортчи	Ўйинлар	Спорт тури	Спорт баҳси
1 Олтин	Мухаммадқодир Абдуллаев	Сидней 2000  Австралия	 Бокс	Эркаклар ўрта вазн 63.5 кг
2 Кумуш	Артур Таймазов	Сидней 2000  Австралия	 Эркин кураш	Эркаклар оғир вазн
3 Бронза	Рустам Саидов	Сидней 2000  Австралия	 Бокс	Эркаклар оғир вазн +91 кг
3 Бронза	Сергей Михайлов	Сидней 2000  Австралия	 Бокс	Эркалар ўрта вазн 81 кг
1 Олтин	Артур Таймазов	Афина 2004  Юнонистон	 Эркин кураш	Эркаклар оғир вазн 120 кг
1 Олтин	Александр Доктуришвили	Афина 2004  Юнонистон	 Эркин кураш	Эркаклар Юнон рум кураши 74 кг
2 Кумуш	Магомед Ибрагимов	Афина 2004  Юнонистон	 Эркин кураш	Эркаклар эркин кураши 96 кг
3 Бронза	Баходиржон Султонов	Афина 2004  Юнонистон	 Бокс	Эркаклар Ўрта вазн
3 Бронза	Ўткирбек Хайдаров	Афина 2004  Юнонистон	 Бокс	Эркалар оғир вазн
1 Олтин	Артур Таймазов	Пекин 2008  Хитой	 Эркин кураш	Эркаклар оғир вазн 120 кг
2 Кумуш	Сослан Тигиев	Пекин 2008  Хитой	 Эркин кураш	Эркаклар Эркин кураш 74 кг
3 Бронза	Абдулла Тангриев	Пекин-2008  Хитой	 Дзюдо	Эркаклар Оғир вазн +100 кг
3 Бронза	Ришод Собиров	Пекин 2008  Хитой	 Дзюдо	Эркаклар Енгил вазн 60 кг
3 Бронза	Антон Фокин^[9]	Пекин 2008  Хитой	 Гимнастика	Эркаклар брусда бажарилган машқлар
3 Бронза	Екатерина Хилко	Пекин 2008  Хитой	 Гимнастика	Аёллар трамплини
3 Бронза	Ришод Собиров	Лондон 2012  Бирлашган Қироллик	 Дзюдо	Эркаклар Енгил вазн 60 кг
3 Бронза	Аббос Атоев	Лондон 2012  Бирлашган Қироллик	 Бокс	Эркаклар ўрта вазн

Медал	Спортчи	Ўйинлар	Спорт тури	Спорт баҳси
1 Олтин	Артур Таймазов	Лондон 2012  Бирлашган Қироллик	 Эркин кураш	Эркаклар оғир вазн 120 кг

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси қуйидагилардан ташкил топган:

- Ўзбекистон МОҚ Президенти, Бош Котиб ва Вице-Президентлар;
- [Халқаро Олимпия Қўмитасининг](#) Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи аъзолари;
- [Олимпия ўйинлари](#) дастурига кирган спорт турлари халқаро федерациялари аъзолари ҳисобланувчи Миллий спорт федерациялари ёки МОҚ ва унинг Ижроқўмининг кўпчилик овозини ташкил этувчи вакиллари. МОҚ ҳар бир спорт турлари бўйича бундай Халқаро спорт федерациялари бошчилик қилувчи бирдан ортиқ Миллий спорт федерацияларини тан олмайди;
- Олимпия ва миллий спорт тури ҳисобланмайдиган федерациялар вакиллари;
- Спорт ташкилотларининг умумий йиғилишларида демократик ёл билан ривожлантирилувчи [Қорақалпоғистон Республикаси](#), вилоятлар ва [Тошкент](#) шаҳри спорт ташкилотлари вакиллари;
- Давлат жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси органлари, кўнгилли спорт жамиятлари ва муассасалари вакиллари;
- Олдинги ва келгуси [Олимпия ўйинлари](#) атлет-иштирокчи вакиллари;
- Ўзбекистон Республикаси [Миллий Олимпия Академияси](#) Президенти;
- Спорт журналистлари федерацияси вакиллари;
- Алоҳида шахслар — [Олимпия ҳаракати](#) тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (кўзга кўринган жамоат, фан ва санъат арбоблари);
- Ўзбекистон МОҚнинг фахрий аъзолари;
- МОҚ фаолиятига моддий ва молиявий кўмаклашувчи ташкилотлар вакиллари.



Хуан Антонио Самаранч Олимпия Олтин орденини [Ислом Каримовга](#) топширмакда

Спорт федерациялари

Ўзбекистон регби федерацияси

Президент: [Сафоев Содик Солихович](#)

Бош котиб: Артиков Жасур Нигматуллаевич

Вице-президент: Ибрагимов Дилмурод Неъматович

Ўзбекистон велоспорт федерацияси

Ўзбекистон баскетбол федерацияси

Бош котиб: Миродилов Ботир Маҳкамович

Вице-президент: Исков Р.И, Жўраев И.Т, Юркевский К.Э, Қодиров Р.Ғ.

Ташкил топган йили: 1992 йил

Ўзбекистон чим устида хоккей федерацияси

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси

Президент: [Абдувалиев Салим Киргизбаевич](#)

Бош котиб: Мамадалиев Шухрат Фархадович

Вице-президент: Шофайзиев Шомурод Муҳсинович,

Рўзиев Аҳрол Аҳмедович, Раҳимов Мухтар Нигматович

Ташкил топган йили: 1998 йил

Ўзбекистон футбол Ассоциацияси

Президент: Норбаева
Танзила Камаловна
Вице-президент:
Ўринбойхўжаев Козим
Бахтиёрович
Ташкил топган йили: 1991
йил

Ўзбекистон қиличбозлик
федерацияси
Президент:
Шоабдурахманов Рустам
Мавзурович
Бош котиб: Ибрагимов
Муҳаммад Хумоюн
Дилмурод ўғли
Вице-президент:
Миржалилов Мирафзал
Аманович
Ташкил топган йили: 1992
йил

Ўзбекистон таеквондо
федерацияси
Президент: [Парпиев Ботир
Рахматович](#)
Бош котиб: Латипов Аббос
Ҳамидович
Ташкил топган йили: 1992
йил

Ўзбекистон сув спорт
турилари федерацияси
Президент: [Санакулов
Кувондик Санакулович](#)
Бош котиб: Ғаниев Алишер
Абдумажитович
Вице-президент: Ғуломов
Саидахрол Ғаниевич
Ташкил топган йили: 1992
йил

Ўзбекистон от спорти
федерацияси
Президент: [Рафиков
Қудратилла Мирсагатович](#)
Бош котиб: Анарбаев Элдор
Вице-президент: Каримов
Аваз Қудратуллаевич
Ташкил топган йили: 1997

Президент: Аҳмедов
Баходир Мажидович
Бош котиб: Рахматхўжаев
Музаффархўжа
Юнусхонович

Ўзбекистон оғир атлетика
федерацияси
Президент: Зокиров Ботир
Эркинович
Бош котиб: Абдукаримов
Бахтиёр Абдурахимович
Вице-президент: Маҳмудов
Шаҳрулло Шарипович
Ташкил топган йили: 2001
йил

Ўзбекистон ўқ отиш спорти
федерацияси
Президент: Эминжанов
Рустам Олимович
Бош котиб: Атабуллаев
Жалолиддин Жайнакович
Ташкил топган йили: 1998
йил

Ўзбекистон стол тенниси
федерацияси
Президент: [Хуршид
Мирзоҳидов](#)
Вице-президент: Турсунов
Ф.Х., Балашов А.,
Худойкулов Н.М.
Ташкил топган йили: 1993
йил

Ўзбекистон дзюдо
федерацияси
Президент: [Акмалов
Алишер Валиевич](#)
Бош котиб: Мурадов
Абдулла Назарович
Вице-президент: Багдасаров
Армен Юревич, Муминов

Президент: [Раматов
Ачилбай Жуманиёзович](#)
Бош котиб: Сардор
Ҳамидуллаевич
Биринчи вице-президент:
Аҳмаджонов Умид
Маҳамаджонович
Ташкил топган йили: 1992
йил
Ўзбекистон теннис
федерацияси
Президент: [Иноятов Рустам
Расулевич](#)
Бош котиб: Шепелев Игор
Николаевич
Вице-президент: Хайдаров
Зелимхон Хайдарович
Ташкил топган йили: 1999
йил
Э-маил: utf@tennis.uz

Ўзбекистон камондан отиш
федерацияси
Президент: Бобохонов
Жамолиддин
Шамсиддинович
Бош котиб: Хасанбаев
Отабек Камилович
Вице-президент: Тўлаганов
Шавкат Тўраевич
Ташкил топган йили: 2005
йил

Ўзбекистон энгил атлетика
федерацияси
Президент: [Ғуломжон
Ибрагимов](#)
Бош котиб: Розимухамедов
Камолиддин
Вице-президент:
Икрамджанов Б.И.,
Миртемиров Б.Р., Сагдиев
А.
Ташкил топган йили: 1992
йил

Ўзбекистон гимнастика
федерацияси
Президент: [Тиллаева
\(Каримова\) Лола Исламовна](#)
Бош котиб: Филиппова
Гузел Боходировна
Вице-президент: Мустаев
Руслан Булатович

йил	Шавкат Турумович Ташкил топган йили: 1991 йил	Ташкил топган йили: 2007 йил
Ўзбекистон гандбол федерацияси Президент: Мусаев Омонжон Муҳамматяминович Бош котиб: Матхаликов Исмоилжон Икрамович Ташкил топган йили: 1992 йил	Ўзбекистон Волейбол федерацияси Президент: Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич Бош котиб: Абдуллаев Санжар Ташкил топган йили: 1991 йил	Ўзбекистон „rowing & сано“ федерацияси Президент: Мирзаев Зоир Тоирович Бош котиб: Маматкулова Татяна Ташкил топган йили: 1992 йил
Ўзбекистон бокс федерацияси Президент: Раматов Очилбой Жуманиёзович Бош котиб: Болтабоев Жаҳонгир Бахтиёрович Вице-президент: Тошматов Шерзод Рихсибоевич Ташкил топган йили: 1992 йил		

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Раҳбарий органлари қуйидагилар хисобланади:

- Бош Ассамблея;
- Ижро этувчи қўмита (Ижроқўм)
- Ижроқўм буриси.

Бош Ассамблея [\[тахрир\]](#)

Бош Ассамблея ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасида Олимпия Ҳаракатини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;
- [ХОҚ](#) ёки [ООҚ](#) васийлигида ўтказилувчи [Олимпия ўйинлари](#), [Осиё ўйинлари](#) ёки бошқа спорт мусобақаларини ўтказишда республика шаҳарлари номзодларини тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон МОҚнинг келгуси давр учун фаолият дастурларини тасдиқлаш;
- Ижроқўм ва МОҚ Тафтиш комиссиясининг ҳисобот йили ва тўрт йиллик давр учун фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш ва баҳолаш;
- Ўзбекистон МОҚга аъзолик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Президент, Вице-президентлар, Бош котиб, Ижро этувчи қўмита аъзолари ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
- Республика спорт федерациялари ва уларга тенглаштирилган бирлашмалар (ассоциациялар) ни тан олиш;
- Бош Ассамблея йилига камида бир маротаба ўтказилади;
- Тўрт йилда бир маротаба, навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари ўтган йилдан кейинг йил Ўзбекистон Бош Ассамблеясининг ҳисобот-сайлови ўтказилади, унда Ижроқўмнинг ҳисоботи тингланади, раҳбарий органлар сайлови ўтказилади;
- Бош Ассамблея фақатгина аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ва фақатгина кун тартибига қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;
- Қарорлар МОҚ иштирокчи аъзоларининг очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Олимпия ўйинларига тегишли масалалар ҳал қилинганда фақатгина МОҚ Ижроқўми аъзолари ва Олимпия ўйинлари дастурларига киритилган спорт турлари бўйича халқаро федерациялар вакиллари овози қабул қилинади.

Ижро этувчи кўмита



Осиё Олимпия Кенгаши Президенти Ал-Аҳмад Ал-Сабоҳ Ислоҳ КаримовгаООК Олтин Орденини топширмақда

Бош Ассамблеялар даврида Ўзбекистон МОҚ фаолиятига таркиби Бош Ассамблея томонида белгиланадиган Ижро этувчи кўмита бошчилик қилади. Ўзбекистон МОҚ таркибига куйидагилар киради:

- Президент
- Вице-президентлар
- Бош котиб
- Ижроқўм аъзолари

Ижроқўм мажбуриятларига куйидагилар киради:

- Уставга амал қилинишини таъминлаш;
- Бош Ассамблея кун тартибини, уни ўтказиш вақти ва жойини аниқлаш;
- Ўзбекистон МОҚ бюджетини, фаолиятининг молиявий ва маъмурий қоидаларини тасдиқлаш, шунингдек, уларни амалга оширишни назорат қилиш;

• Доимий комиссия рўйхатини тасдиқлаш, уларнинг фаолияти ва ваколатлари доирасини аниқлаш;

- Бош Ассамблея топшириқларини бажариш;
- Ўзбекистон МОҚнинг янги аъзоларини тан олиш бўйича, МОҚ аъзоларини мукофотлаш бўйича ва Устав қоидалари бузилган ҳолларда МОҚ аъзоларига нисбатан жазо чоралари кўриш бўйича таклифлар тайёрлаш;

• Ўзбекистон МОҚ имзолаган шартномалар, келишувлар ва бошқа битимларнинг шартларини кўриб чиқиш;

• Ўзбекистон терма жамоаларининг Олимпия, Осиё ўйинлари ва ХОҚ ва ООК шафелигида ўтказилувчи бошқа комплекс халқаро мусобақаларига тайёргарлик кўриши ва қатнашиши масалаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

• Тегишли республика спорт федерациялари томонидан тақдим этилган спортчиларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Спорт федерациялари томонидан тақдим этилган рўйхатларнинг Олимпия Хартиясига мос тушишини (ҳар томонлама) таъминлаш;

• Спорт федерациялари аъзоларининг экипировкаси, транспортировкаси ва жойлашишини ташкил этиш;

• Делегация аъзолари фойдасига бахқиз ҳодисалар (ногиронлик, ўлим, касаллик, тиббий ва дори-дармон ҳаражатлари) ва учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарликдан суғурталаш тўғрисидаги шартномалар тузиш. Спорт делегацияси аъзоларининг юриш-туришига маъсулиятни ўз бўйнига олиш;

• Ижроқўм ўз мажлисларини зарур ҳолларда, лекин бир йилда камида уч марта ўтказиш, шунингдек, мажлис МОҚ Президенти қарори билан ёки Ижроқўм аъзоларининг 1/3 қисми талаби билан ҳам ўтказилиши мумкин;

• Ижроқўм мажлисида ўз аъзоларининг камида ярми иштирок этган тақдирда қарор қабул қилиши мумкин;

• Қарорлар мавжуд Ижроқўм аъзоларининг очик овоз бериши орқали оддий кўпчилилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Президент овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Ўзбекистон МОҚ Президентлари

Prezidentlar	Boshqaruv yillari	Bosh kotib
Obid Nazirov	1992-1994	prof. Xamrakulov Abduxamid Kadirxanovich
Sobirjon Ro'ziyev	1994-2003	2001-yildan Malik Babaev
Aziz Nosirov ^[11]	2003-2005	Malik Babaev
Rustam Qurbonov	2005-2009	Malik Babaev
Malik Babaev ^[12]	2009-2013	Muhammadali Karimov
Mirabror Usmonov ^{[13][14]}	2013-2017	Oybek Qosimov
Alisher Sultonov	2017-2018	Oybek Qosimov
Umid Ahmadjonov	2018-2019	Jasur Matchanov
Rustam Shoabdurahmonov ^[15]	2019-yildan	Jasur Matchanov

Фойдаланиш учун адабиётлар

1. "Олимпия билимлари асослари. С.С. Рўзиевнинг умумий таҳрири остида. - Т.: "Шарк", 2002. -96б."
2. Джалилова Л.А. Олимпия билим асослари. Ўқув-услубий тавсиялар. Т.: ИТА-ПРЭСС, 2015.
3. Ernazarov E. Olimpiada-jahon sporti bayrami. Iltiy-ommabop risola. Т.: "Sharq", 2008.
4. Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. Дарслик. Т.: "Фан ва технология", 2008
5. [ЎзМЭ](#). Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил
6. olympic.org

5-маъруза: ХАЛҚАРО ВА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА АКАДЕМИЯСИ

Режа:

1. Халқаро олимпия академияси ҳақида маълумот ва унинг фаолияти
2. Ўзбекистон олимпия академияси ва унинг фаолияти
3. Халқаро олимпия академиясининг олимпия таълимида тутган ўрни ва рўли

Таянч иборалар. Олимпия таълими, олимпия академияси, олимпизмнинг мақсади, олимпия академияси биноти, олимпизмни тарғибот қилиш.

Халқаро олимпия академияси ҳақида маълумот ва унинг фаолияти

Олимпизм асосчиси француз педагоги Пер де Кубертен ўзининг чиқишлари ва марузалаарида "Олимпия таълими" марказини яратиш зарурияти ҳақида кўп марта тақдорлаган. У ерда ҳар қандай мамлакатнинг ёшлари олимпизм тамойиллари билан шуғулланмасликни иложи йўқ деб таъкидлайди.

Замонавий олимпия ўйинларининг асосчиси Пер де Кубертен, Олимпиада институтини маънавий табиатга муҳтожлиги сабабли ўз вақтида ташхис қўйган. Олимпия ҳаракати таълим мақсадларидан четга чиқмаслиги кераклиги ҳақида шундай ёзган: "Мен эришмоқчи бўлган нарсамни охиригача бажаролмадим. Мен Олимпия тадқиқотлари маркази менинг ишимнинг сақланиб қолиши ва давом этиши учун ҳамма нарсдан кўра кўпроқ ёрдам беришига ишонаман".

Таълим муассасалари ва умумий таълим мактаблари учун таълим тизимида миллий олимпия кўмиталари етарли даражада ахборот билан таъминламаган. Шунинг учун ҳар

бир мамлакатнинг МОҚ лари МОА га эҳтиёж сезмоқда.

Греция Миллий олимпия қўмитаси раиси 1926 йил олимпия конгрессида Грецияда илмий марказ ташкил этишни, бир йилдан сўнг Пьер де Кубертенни Грецияга ташрифи чоғида олимпия маданият марказини ташкил этиш масаласини муҳокама қилишади.

1934 йил Афинада бўлиб ўтган МОҚ сессиясида бу масалага катта эътибор қаратилган эди.

Грециянинг молиявий томони ва иккинчи жаҳон уриши бошланиши бу ғояни амалга оширишга имкон бермаганлиги сабабли. Корл Диам Халқаро Олимпия академияни АҚШ территориясида ташкил этиш таклифини киритди. У ўзининг таклифини хат орқали ХОҚ вице-президенти Еври Брендетжигга жўнатди. Бироқ Джон Кецеас 1947-йили Стокгольмда ХОҚ 40-сессиясида Олимпия ХОА ни тузишни лойиҳаси ҳақидаги фикрларини давом эттирди ва ҳимоя қилди. Римда бўлиб ўтган ХОҚнинг сессиясида ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди ва ташкилий ишлар Греция миллий олимпия қўмитаси жамоасига юклатилди.

Халқаро олимпия академияси (ХОА) 1961 йилда ташкил қилинди. Бу олимпия ҳаракати ғоялари, жисмоний тарбия ҳамда спорт назарияси ва амалиётини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш буйича ихтисослашган муассаса бўлиб, ХОҚ раҳбарлиги остида ҳаракат қилади ҳамда Греция (Юнонистон), МОҚ томонидан молиявий таъминланади. ХОА манзили — Олимпиядир. У жаҳон давлатларининг 74 та олимпия академияларини тан олган. Унинг фаолияти ХОҚнинг махсус комиссияси томонидан бошқариб борилади ва назорат қилинади.

Қадимий Олимпияда жойлашган Халқаро олимпия академияси биноси 500 кишилик замонавий ва тўлиқ жиҳозланган аудитория, 250 кишилик умумий тақдимот хоналари, 5 та ўқув хонаси, 16000 дан ортиқ китоб нашрлари бўлган кутубхона, бир ва икки киши учун ресторани ва турар жойлар хонасидан иборат. Шунингдек, дам олиш шароитлари, душ ва ҳаммомли саккиз кишилик ётоқхона мавжуд. Турар жойлари содда бўлиб, меҳмонни табиат, таълим ва тадқиқот билан тўғридан-тўғри алоқада бирлаштиради.

ХОА ҳар йили ҳафталик сессиялар ташкил қилиб туради. Уларнинг дастуридан фалсафа ва спортнинг мафкуравий муаммолари, олимпия ҳаракати тарихи, спорт тренировкаси ва жисмоний тарбиянинг назарий ҳамда усулий масалалари буйича маърузалар ва семинарлар жой олган.

Ушбу сессияларга МОҚ етакчи олимлари, тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, талабалар, аспирантлар, спортчиларни — умумий сони 4000 дан зиёд кишиларни юборади.

1960 йилдан бошлаб Европанинг йирик мамлакатларида олимпия таълими билан шуғулланувчи тузилмаларни яратишга уриниш бўлган.

Биринчи миллий олимпия академияси 1968 йили Испанияда тузилган. АҚШ миллий олимпия академияси 1976 йил ўз ишини бошлади. Кореяда (1977), Тайван (1977), Эгипит (1978), Японияда (1978) ва бошқалар. 1983 йили Лозана шаҳрида МОА вакиллари ХОҚ комиссияси билан олимпия таълими ҳақида ХОА буйича учрашув бўлиб ўтди. ХОҚ комиссияси ва ХОА МОА тузишни қўллаб қувватлади.

1984 йил ХОҚ VII президенти Х.А. Самаранч имзоси билан ҳамма мамлакатлар МОҚ ларига МОА ларини тузиш ҳақида тавсиялар жўнатди.

1989 йилга келиб ҳамма қитъалар буйича 45 та МОА фаолият кўрсата бошлади. 1978-1988 йиллар оралиғида МОА сони ети баробарга ошди. Бу энг фаол давр ҳисобланди. 2010 йилга келиб, дунёда 137 та МОА ташкил этилган ва фаолият кўрсатмоқда. Шунинг қайт этиш керакки Африка қитъаси мамлакатлари ривожланаётган мамлакатлар миллий олимпия академиялари сони буйича Европа мамлакатларидан сўнг II-ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси олимпия академияси ва унинг фаолияти

1987 йил 18 февралдан бошлаб собиқ Иттифок, олимпия академияси, унинг раҳбарлигида эса Ўзбекистон олимпия академияси ташкил қилинган. Ўзбекистон

мустақилликни қўлга киритгандан сўнг 1993 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси ташкил этилди. ЎзР ОА президенти проф. А.Қ. Хамрокулов ва унинг ижроия директори доц. Б.С. Раджапов таркибидаги делегация 1994 йилда Олимпияда бўлиб ўтган ХОАнинг сессиясида иштирок этди.

ЎзР ОАнинг 12 кишидан иборат ижроия қўмитаси таркибига етакчи олимлар, ўқитувчилар, тренерлар ва олимпия ҳаракати арбоблари киритилган.

ЎзР ОА уставда айтилишича, ЎзР МОҚ раҳбарлиги остида ҳаракат қиладиган қўнгилли жамоат ташкилоти ҳисобланади. Ҳозирда Республика Олимпия академиясига Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, физиология кафедраси мудирини, профессор Абдулҳамид Қодирхонович Хамрокулов раҳбарлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ОА мақсадлари олимпизм, олимпия ҳаракати ва Олимпия ўйинларининг инсонпарвар кадриятлари тамойиллари ва ғояларини ўрганиш, тарқатиш, оммалаштириш ҳамда кейинчалик ривожлантиришдан иборат. ЎзР ОАнинг долзарб вазифаси бўлиб мамлакатимиз аҳолиси олимпия таълимотининг ташкилий ва илмий-услубий асосларини яратиш, минтақавий Олимпия академиялари билан алоқалар ўрнатиш ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг 1993 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ОА мақсадлари олимпизм, олимпия ҳаракати ва Олимпия ўйинларининг инсонпарвар кадриятлари тамойиллари ва ғояларини ўрганиш, тарқатиш, оммалаштириш ҳамда ривожлантиришдан иборат. ЎзР ОАнинг долзарб вазифаси мамлакатимизда олимпия таълимотининг ташкилий ва илмий-услубий асосларини яратиш, минтақавий Олимпия академиялари билан алоқалар ўрнатиш ҳисобланади.

Олимпизм ва олимпия ҳаракатини тарғиб қилиш янада янги шаклларга эга бўлмоқда.

Халқоро олимпия академиясининг олимпия таълимида тутган ўрни ва аҳамияти

ХОАнинг таълим дастури биринчи ўринда ўқувчи ёшларга олимпия таълимини бериш муаммоларига эътибор қаратади. Биринчи марта “Olympic Education” “Олимпия таълими”- 1968 йили Италиялик педагог Систо Фавре томонидан МОҚ нинг 8-сессиясида илгари сурилди.

1972 йил ХОАнинг 12-сессиясида немис олими Эмрс Ловербоок “Мақтабларда олимпия принципларини ташвиқот қилиш масалалари бўйича маъруза қилади ва бу мавзу 1974 йил ХОА 13-сессиясида ҳам Австралиялик олим Некрман Андрес томонидан давом эттирилди. Унинг нутқида олимпия ғояси ва уни мактабда амалга оширишни учта асосий омилларини очиб берди, муаллиф фикрича:

-олимпия таълими мактаб таълим тизимида ўз аксини топиши керак;

-олимпия таълимини такомиллаштириш учун ҳаракатлар зарур;

-маданий фестиваллар ва спортнинг интеграллашуви омилларига эътибор қаратиш лозим;

1977 йили ХОА 16-сессиясида Греция вакили Тайвис Дохас “Ёшларни тинчлик руҳида тарбиялашда олимпия ғояси аҳамияти катталиги ҳақида айтди”. 1979 йил ХОА 18-сессиясида ва 1986 йил 25-сессиясида ХОҚ аъзоси Тунис бош вазири Мухамед Мзали “Олимпизм-бу фалсафа, унинг мақсади ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш ва такомиллаштириш, руҳий интелектуал, жисмоний тарбиялашнинг бирдамлигидир” деган ғояни илгари сурди.

1979-йил ХОА 18-сессиясида Грециялик жисмоний тарбия генерал инспектори Трисинтар Хулас Каратасанис Греция мактабларида олимпизмни амалга ошириш жараёнини ўрганиш бўйича ўз тажрибасини ўртоқлашди. 1980 йил ХОА 19-сессиясида Жоҳн Повел олимпизмни фалсафа билан боғлиқлигини, Пер де Кубертенни олимпизм фалсафасини Аристотел ва Плотон шахси фалсафасини боғлиқлигини ўрганди ва мактаб ўқувчиларига олимпия таълимини фаоллаштиришни ҳар-хил шаклларида эътибор қаратди.

ХОА нинг 26-сессияси (1987) эстетик тарбия олимпия таълимининг муҳум бир таркибий қисмлари эканлигига бағишланди.

ХОА 27-сессиясида Роберт Поул (АҚШ) “Олимпия таълимини методикасига эътибор қаратиб, ушбу масалага ўзининг қараши билан ўз фикрларини мамлакатда болалар ўртасида иншолар танловини, расмлар танловини, олимпия кунларини ўтказиш ҳақида фикр алмашишди.

Германия вакили Нурис Вайскал давра суҳбатлари, фестиваллар, олимпия кунлари ва ҳафталикларини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади.

Россия вакиллари С.Неверкович ўзининг маърузаларида Россия мактаб ўқувчиларининг олимпия билимларини шакллантиришнинг усулларига тўхталиб, Fair play тамойили асосида ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтириш усуллари ҳақида фикр билдирди.

ХОА 28-сессиясида (1989) Венгриялик олимлар Ардай Майсло қуйидаги қоидалари билан ўртоқлашди яъни олимпия таълимнинг асослари:

-соғлиқни сақлаш учун ҳаракат фаоллиги;

-спорт гўзаллик тимсоли;

- Fair play руҳида мардликни тарбиялашни кўрсатиб берди.

Германиялик профессор Майкл Крюгер замонавий таълим тизимида олимпия педагогикасининг эволюцияси ва роли ҳақида, Полшаллик олим Ҳерман Ангрекс олимпия таълими тизимида когнитив усуллар ҳақида, Испания вакили Консадо Дусатер олимпия ҳаракати ташкилотчилари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларига ўқувчиларга олимпия кадрятлари ҳақида билимларни етказиш масалалари ҳақида, Немис профессори Аоланд Ҳаул таълим беришда эстетик кадрятлар ва гуманизм нуқтаи назаридан олимпия педагогикасини кўриб чиқиш таклифини киритдилар.

Россиялик олим В.Родиченко умумий таълим мактабларида олимпия педагогикасини амалга татбиқ этишда волонтерлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ХОА халқаро тадқиқотлар маркази маълумотларига таянади. Академия билан мустаҳкам алоҳида бўлиб олимпия ҳаракатининг муҳум масалаларини ўрганиш билан шуғулланади.

Халқаро олимпия академияси миллий олимпия академиялари фаолиятининг координатори бўлиб ҳисобланади. Таклиф этилган дастурлар ёшлар фаолиятини чет тилларини ўргатиш, маданий анъаналарни ва кадрятларни ўрганиш, дунёвий муаммоларга жамият эътиборини қаратиш, экология, иқтисод, соғлом турмуш тарзи ва таълимга йўналтиришдан иборат бўлади.

Олимпия академияси фаолияти доирасида кенг аҳоли ўртасида асосан мактаб ўқувчилари ва ёшларни соғлом турмуш тарзи билан муносабатда бўлиши олимпия таълими дастурини амалга ошириш, олимпия мавзулари бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш, аҳоли ўртасида олимпизм ғоялари ва тамойилларини такомиллаштириш, тарқатиш ишлари амалга оширилади.

МОА ўзининг фаолиятида ХОҚ ва ХОА билан спорт турлари бўйича миллий федерациялар билан бўйсинишдан қатъий назар турли йўналишдаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилади. МОАнинг асосий фаолияти олимпизм ғояларини амалга оширишдир.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда МОА фаолиятини ривожлантириш, ҳудудий бўлимлар фаолиятини ташкил этиш, ҳудудий академияларни ҳудудий федерациялар билан фаолиятларини ҳамкорликда ташкил этиш, таълим муассасалари билан алоқалар ўрнатиш олимпизм ғояларини амалга ошириш ва уни ташвиқот ва тарғибот қилиш долзарб масалалар ҳисобланади.

Фойдаланиш учун адабиётлар

4. Джалилова Л.А. Олимпия билим асослари. Ўқув-услубий тавсиялар. Т.: ИТА-ПРЭСС, 2015.

5. Ernazarov E. Olimpiada-jahon sporti bayrami. Ilimiy-ommabop risola. Т.: “Sharq”, 2008.

6. Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2008

7. www.olimpic.uz - Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси.

6-маъруза: ОЛИМПИА ҲИЙИЛЛАРИ РАМЗЛАРИ ВА ОЛИМПИА МУЗЕЙЛАРИ

Режа:

- 1. Олимпия Ҳийиллари рамзлари**
- 2. Олимпия музейлари**

Таянч иборалар. Олимпия байроғи, олимпия белгиси, олимпия машғаласи, олимпия қасамёди, ҳакамлар қасамёди, олимпия логотиплари, олимпия мадҳияси, олимпия шиори, олимпия медаллари, олимпия музейи.

Олимпия Ҳийиллари рамзлари

1914 йилда ХОҚнинг Париж Конгрессида Олимпия байроғи Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган. Олимпия байроғи тўртбурчак шаклидаги оқ матога бешта халқа жойлаштирилган бўлиб, улар бир-бири билан туташган. Матога чегара чизиқлари йўқ. Халқаларнинг ранглари юқоридан ўнгга қараб кўк, қора, қизил ва пастдан ўнгга сариқ, яшил рангда бўлиб улар ер юзининг бешта қитъасини билдиради⁴. Олимпия байроғида туширилган тасвирнинг моҳияти бутун дунёда бирлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб қилишдир. Халқлар ва давлатлар орасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш, мамлакатлар ўртасида иноқликни таъминлашни назарда тутди (**2-расм**).



2-расм. Олимпия байроғи ва рамзи.

Олимпия белгиси бешта халқадан иборат (**2-расмга қаранг**). Ушбу белги Олимпизмнинг асосий рамзларидан биридир. У ўзида катта фалсафий маънони жамлаган. Унда халқлар ва мамлакатларнинг бирлиги, ҳамжиҳатлиги ва дўстлиги эътироф этилган.

Олимпия машғаласи замонавий Олимпия Ҳийиллари тимсолларидан бири саналади. Олимпия машғаласи Юнонистоннинг Олимп тоғида (Греция) Ҳийиллар бошланишига бир неча ой қолганда табиий равишда ўт олдирилади ва Ҳийиллар бўладиган жойга қўлдан-қўлга ўтказиб олиб келинади. Машғалани ёқиш маросимида 11 аёл киши, кўпинча маъбудаларни акс эттирувчи актрисалар иштирок этади. Бу Олимпия машғаласини ўт олдириш ва уни олиб юришнинг умумий қоидалари бўлиб ўтказиладиган ҳар бир Олимпия Ҳийиллари учун махсус машғалалар ишлаб чиқилади. Аммо бу жараёнлар бевосита ХОҚ қўл остида ва назоратида ташкил қилинади (**4-5 расмлар**).

⁴Қаранг, ўша манбаа.



4-расм. Рио - 2016 (чап томонда) ва Афина – 2004 Олимпия Ўйинлари машъалалари.

Олимпия машъаласини ёқиш қадимги Олимпия Ўйинларида ҳам мавжуд бўлган. Афсоналарга кўра Олимпия машъаласи Зевсдан оловни ўғирлаб, уни инсонларга қайтариб берган Прометейнинг қахрамонлигини эслатиб туриш йўлида хизмат қилиши керак эди. Ушбу анъана 1928 йилда қайта йўлга қўйилди ва бугунги кунгача сақланиб келинмоқда. 1936 йилда Берлинда ўтказилган Олимпия Ўйинларида Олимпия машъаласини эстафета тарзида етказиш йўлга қўйилган.



5-расм. Олимпия машъаласини ўт олдириш маросими.

Одатда Олимпия машъаласини ёқиш бирор бир таниқли инсонга, кўпинча спортчига топширилади. Бу анъанани амалга оширишга тайинланган инсон учун катта шараф ҳисобланади. Машъала ёқиш маросими ва уни ёқиши керак бўлган спортчи ташкилотчилар томонидан сир тутилади ва эълон қилинмайди. Буни одатга кўра мезбон давлатнинг бирор-бир спортчиси амалга оширади.

Олимпия қасамёди. Мазкур анъана Ўйинлар адолатли бўлиши учун ташкил қилинади ҳамда ёшларни бирлаштириш ҳаракатига ҳам хизмат қилади.

Олимпия қасамёди 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган. Кубертен ХОҚга Қадимги Олимпия Ўйинларида бундай анъана мавжудлигини ва уни тиклаш таклифини билдирган. Маълумки, Кўхна Элладада Олимп тоғида мусобақалар бошланишидан олдин Зевс меҳроби олдида атлетлар қасамёд қабул қилишган. Олимпия қасамёди иккига бўлинади: спортчилар ва ҳакамлар қасамёди.

Спортчилар қасамёди: *“Барча спортчилар номидан Олимпиада ўйинларида*

қоидаларга риоя қилган ва уларни хурмат қилган ҳолда иштирок этишга ваъда берман. Спорт шухрати йўлида адолатли ва ҳақли кураш олиб бориб, жамоаларимиз шарафини чин юракдан ҳимоя қилишга ишонч билдираман”.

Олимпия қасамёди илк марта 1920 йилдаги ўйинларда қабул қилинди. Олимпия қасамёди одатда мезбон мамлакат байроғи ёнида қабул қилинади. Олимпия Хартиясига кўра Миллий Олимпия Қўмитаси мезбон мамлакатнинг бирор-бир машҳур спортчисини қасамёд қабул қилиш учун танлайди.

1968 йил собиқ СССР Миллий Олимпия Қўмитаси таклифига биноан Олимпия ўйинлари дастурига ҳакамлар қасамёдини қабул қилиш ҳам киритилди. Ҳакамлар қасамёди мусобақа ўтказилаётган давлат спорт ҳаками томонидан спортчилар қасамёдидан сўнг қабул қилинади.

Ҳакамлар қасамёди:“*Барча ҳакамлар ва расмий кишилар номидан мазкур Олимпиада ўйинларида бизга ишониб топширилган мажбуриятларимизни чин кўнгилдан, адолатли равишда ҳамда Олимпиада анъаналарини хурмат қилган ҳолда бажаришга ваъда берман”.*

Олимпия эмблемалари ҳар бир Олимпия ўйинлари учун алоҳида ишлаб чиқилади. Олимпия эмблемалари Олимпия белгисидан бошқача шаклда бўлиши мумкин. Аммо, эмблемалар Олимпия белгисига мувофиқ, унга уйғун тарзда ишлаб чиқилиши керак (6-расм)⁵.



6-расм. Сидней – 2000 (чапда) ва Рио – 2016 Олимпиада ўйинлари рамзлари.

Олимпия тарихидан маълум бўлишича Олимпия эмблемалари ўйинлар ўтказиладиган мамлакатларнинг хусусиятлари, табиати, инсонларининг характери ва бошқа жиҳатларни инобатга олиб ишлаб чиқилади. Бунда асосан турли ҳайвонлар расмларидан эмблема сифатида фойдаланиш анъана тусига кирган. Шунингдек, турли ранглар ва шакллар, рақамлар ва тасвирлардан кенг фойдаланилади. Олимпия ўйинлари ўтказиладиган йил ва шаҳар номини эмблемаларда акс эттириш одат тусига кирган.

Олимпия мадҳияси (гимни) “Олимпия мадҳияси (Olympic anthem)” номли мусиқий иш ҳисобланиб, 1896 йилда Костас Паломов сўзи ва Спиро Самара (Spiro Samara) мусиқаси асосида яратилган. Олимпия мадҳияси Олимпия ўйинлари бошланишидан олдин ижро этилади. Олимпия мадҳияси расман ХОҚ томонидан 1957 йилда тасдиқланган.

Олимпия шиори. Олимпия шиори Кубертен томонидан ишлаб чиқилган. Латин тилидан олинган бўлиб “**Citius, altius, fortius**” – “Тезроқ, баландроқ, кучлироқ” маъноларини беради.

Олимпия шиори 1895 йилда Мартин Хидон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб ХОҚ томонидан 1913 йилда расман тан олинган. 1920 йилги Олимпия ўйинларида мазкур шиор биринчи марта ўқилган.

Олимпиада медаллари. Медаллар асосан танлов ўтказиш йўли билан тасдиқланади. Медалларнинг ташқи кўриниши ва шакли ўйинлар ўтказиладиган мамлакат тарихи ва хусусиятлари, шунингдек, ХОҚ рамзларини ўзида бирлаштирган бўлиши талаб этилади

⁵Olympic Charter (Олимпия Хартияси).

(7-расм).



7-расм. Олимпиада Ўйинлари медали (Афина – 2004, медалнинг олд ва орқа томондан кўриниши).

Олимпиада белгилари сифатида яна шу нарса муҳимки, бунда Ўйинлар ўтказиладиган мамлакат ўз хусусиятларидан келиб чиқиб турли хайвонлар ва қушларнинг хайкаллари ҳамда расмларидан фойдаланадилар.⁶

Олимпиада машъаласини ёққан спортчилар

Йил	Шаҳар/Давлат	Машъала ёқувчи	Спорт тури
1936	Берлин, Германия	Фриц Шильген	Енгил атлетика
1948	Лондон, Буюк Британия	Джон Меркс	Енгил атлетика
1952	Хельсинки, Финляндия	Пааво Нурми	Енгил атлетика
1956	Мельбурн, Австралия	Рон Кларк, Ханс Викне	Енгил атлетика
1960	Рим, Италия	Джанкарло Перис	Енгил атлетика
1964	Токио, Япония	Йосинори Сакайи	Талаба
1968	Мехико, Мексика	Энрикетта Басилио Сотело	Енгил атлетика
1972	Мюнхен, Германия	Гюнтер Зан	Енгил атлетика
1976	Монреаль, Канада	Стивен Прифонтейн, Сандра Хендерсон	16 ва 18 ёшли спортчилар
1980	Москва, собиқ СССР	Сергей Белов	Баскетбол
1984	Лос-Анджелес, АҚШ	Рефер Джонсон	Ўнкураш
1988	Сеул, Жанубий Корея	Сон Ки-Чанг, Ким Вон-Ток, Сон Ми-Йонг	Енгил атлетика
1992	Барселона, Испания	Антонио Роболло	Камондан ўқ отиш
1996	Атланта, АҚШ	Муҳаммад Али	Бокс
2000	Сидней, Австралия	Кети Фримэн	Енгил атлетика
2004	Афина, Греция	Николас Какламанакис	Виндсерфинг
2008	Пекин, Хитой	Ли Нинг	Бадий гимнастика
2012	Лондон, Буюк Британия	Девид Бекхам	Футбол
2016	Рио-де-Жанейро, Бразилия	Вандерлей Кордейрио де Лима	-

Ўзбекистон олимпия шон-шухрати музейи

⁶Қаранг, www.olympic.org.

Олимпия шон-шуҳрати музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 14-августдаги 284-сонли қарори билан ташкил этилган. Унинг 1996-йил 1-сентябрдаги тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Халқаро Олимпия Қўмитасининг ўша вақтдаги Президенти Хуан Антонио Самаранч иштирок этишди.

Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи Олимпизм кадриятларини ва „ҳалол ўйин“ тамойилларини тарғиб қилишда, Ўзбекистон спортчиларининг ғалабалари ва Ўзбекистонда Олимпизмнинг ривожланиш тарихи тўғрисида кенг жамоатчиликка маълумот беришда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда музей Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларида ва бошқа муҳим халқаро мусобақаларда қўлга киритган ғалабаларини ўзида акс эттирувчи мавзули экспозициялар ва кўرғазмали тадбирларни доимий равишда ташкил этади. Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи асосий фондидан 2000 дан ортиқ экспонат ўрин олган, шулардан 1000 дан ортиқ экспонат доимий экспозицияга қўйилган.

Музейда медаллар, кубоклар, маёқлар, почта маркалари, бадий тасмалар, спорт инвентарлари ва кийим-кечаклари кўп миқдорда кўрғазмага қўйилади.

Олимпизм ва олимпия ҳаракатини тарғиб қилиш янада янги шакллarga эга бўлмоқда. Олимпия музейлари мана шундай ташкилий шакллардан бири ҳисобланади. Уларнинг биринчиси 1993 йил 23-июнда Х.А.Самаранч ташаббуси билан Лозаннада (ХОҚ штаби квартираси жойлашган ерда) ташкил қилинган. 1995 йилда бу музей жамоатчилик томонидан юксак даражада тан олинган: унга Европада йилнинг энг яхши музейи соврини топширилган.

Лозаннадаги Олимпия музейи олимпия ҳаракати тарихининг ажойиб ибодатхонаси ҳисобланади. Шу билан бирга у халқаро олимпия ҳаракати ўтмиши ва ҳозирги пайтини бирлаштирувчи самарали ахборот ҳамда тарғибот марказидир. Музейда турли ёшдаги ташриф буюрувчилар учун ажойиб шароитлар яратилган.

Санъат, айниқса, бадий курғазмаларни ташкил қилишга катта эътибор берилади. Унда илмий-техника тараққиётининг энг охириги ютуқларидан оқилона фойдаланилади.

1996 йил 2 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон олимпия шон-шуҳрати музейи очилди. Ушбу воқеанинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги яна шундан маълумки, мазкур музей очилишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ва ўша пайтда Осиёда ягона ва ноёб бўлган олимпия музейининг очилиши маросимида иштирок этиш учун махсус етиб келган Х.А.Самаранч қатнашди. Маросимда спорт фахрийлари, Олимпия уйинлари совриндорлари ва иштирокчилари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари, пойтахт жамоатчилиги ҳамда журналистлар иштирок этди.

Карнай ва сурнай наволари остида миллий либослардаги қизлар ўзбек ерининг ажойиб гулларини юксак меҳмонларга тақдим этдилар. Йиғилганлар олдида И.А.Каримов сўзга чиқди. У янги музей нафақат экспонатларни намойиш қилиш жойи, балки Ўзбекистонда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази бўлиши, ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга катта ҳисса қушиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Х.А.Самаранчга олимпия ҳаракатини ривожлантириш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон спортини қўллаб-қувватлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон ҳукуматининг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденини топширди.

ХОҚ президенти жавоб нутқида бу юксак мукофотни халқаро олимпия қўмитасининг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, спортни ривожлантириш ишига қўшган ҳиссасини тан олиш сифатида қабул қилаётганлигини таъкидлаб ўтди. «Биринчи Президент И.А.Каримов, — таъкидлади у, спортнинг жамият ҳаётидаги ўрнига катта эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам сизнинг давлатингизда спорт тез суръатда ривожланмоқда.

Мен ишонаманки, музей ўзбекистонлик спортчилар турли жаҳон мусобацаларида кулга киритадиган медаллар билан тулдириб борилади».

Ўзбекистан Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ва ХОҚ президенти Х.А.Самаранч янги музейга кириш олдида лентани киркдилар. Экспонатларни кўздан кечириш давомида Х.А.Самаранч шундай фикр билдирдики, ушбу музей Лозаннадаги Олимпия шон-шухрати музейидан қрилишадиган жойи йук,. Ҳақиқатдан ҳам, бу ерда қимматбаҳо экспонатлар кўп бўлиб, улар нафақат Ўзбекистон, балки халқаро олимпия ҳаракати, миллий спорт турлари тарихи ҳамда Ўзбекистон спорти аънавалари тўғрисида ҳикоя қилади. У музейга қимматбаҳо экспонатлар совға қилди.

Музейнинг қимматбаҳо экспонатлари — бу Биринчи Президент И.А.Каримов совға қилган халқаро спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланган мукофотлари: ХОҚнинг Олтин Олимпия ордени, Осиё Олимпия кенгашининг Олтин Олимпия ордени, Халқаро ҳаваскорлар кураш федерациясининг «Олтин маржони». Улар музейда марказий ўринни эгаллади.

Музейда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тарихига оид ҳужжатлар фондиди яратиш буйича ҳар-томонлама иш олиб борилади. Бу ерда давлатимизнинг спорти ва олимпия ҳаракати тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар тўпланди ҳамда кўргазмага қўйилади. Мамлакатимиз олимлари ўзбек спорти тарихига оид материалларни йиғиш ва таҳлилий кўриб чиқиш борасида йирик ҳажмда ишларни бажардилар. Ўзбекистоннинг таниқли ва буюк спортчилари олимпия масканига ўзларининг спорт мукофотлари, фотосуратлари, газеталардан олинган ҳужжатлар, ёрликлар, дипломлар, спорт нишонлари ва бошқа жисмоний тарбия ҳаракати тарихига оид материалларни топширдилар.

Материалларнинг кенг ва турли экспозицияси, бинонинг узига хос бетакрор архитектураси, музейнинг ўзбек услубида бажарилган ички қисми хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда. Бу ҳақида халқаро спорт ташкилотлари вакиллари музейда Ўзбекистон давлат спорт қўмитаси, МОҚ раҳбарияти, етакчи спортчилар ва мутахассислар билан бўлган учрашувларда ўз нутқларида таъкидлаб ўтадилар.

Музейнинг вазифаси: олимпия ғояларини тарғиб қилиш билан бирга республикада жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинларини юксалтириш, шунингдек, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлаш ишига кўмаклашиш. Музейда 11 мингдан зиёд экспонатлар: турли буюмлар, ашёлар, расмлар, ёрликлар ва мусобақаларнинг ғолибларига берилган кубоклар, медаллар, нишонлар мавжуд. Улар АҚШ, Испания, Швейсария ва бошқа хорижий давлатлардан олиб келинган. Музейнинг 1-қаватида ноёб экспонатлар жойлаштирилган. Президент И. Каримовнинг музейга совғалари ҳам бор. Булар халқаро спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Президентига ХОҚ Президенти топ-ширган Олимпиада олтин ордени, Осиё Олимпиада Кенгашининг Олимпиада олтин орденидир. Шунингдек, бу ерда Халқаро ҳаваскорлар кураш федерациясининг "Олтин маржони", профессионал бокс бўйича 16 карра жаҳон чемпиони А. Григоряннинг чемпионлик олтин камари, гулчамбари ва медаллари, олимпиада ўйинлари вақтида тайёрланган турли медаллар ва нишонлар бор. Музейнинг 2-қаватида Олимпиада ўйинлари ўтказилган йиллар хронологик тарзда берилган бўлиб, уларда иштирок этган ўзбекистонлик спортчиларнинг кийимлари, асбоб-анжомлари, суратлари, мукофотлари билан танишиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида спортчилари-мизнинг жаҳон, Европа биринчиликлари, Осиё, Марказий Осиё ўйинлари, Тошкент ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган турли халқаро турнирларда эришган ютуқлари, қўлга киритган совринлари музей экспонатларининг асосини ташкил этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Олимпия билимлари асослари: (Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқув қўлланма) / Муаллифлар: А.Қ.Хамроқулов,

Т.Т.Юнусов, Э.К.Шатерников ва бошқ.; С.С.Рўзиевнинг умумий тахрири остида. – Т.: «Шарқ», 2002. -96 б.

2. Джалилова Л.А. Олимпия билим асослари. Ўқув-услубий тавсиялар. Т.: ИТА-ПРЭСС, 2015.

3. Ernazarov E. Olimpiada-jahon sporti bayrami. Ilmiy-ommabop risola. Т.: “Sharq”, 2008.

4. Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2008

7-майруза: ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХРОНОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

1. 1920-1991 йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт
2. 1991-2018 йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт
3. Республикамизда қабул қилинган жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун ва қарорлар
4. Ўзбекистоннинг олимпия ўйинларидаги иштироки

1920 ва 1921 йилларда Тошкент шаҳрида I ҳамда II Ўрта Осиё олимпиадаси бўлиб ўтди.

1924 йилда Бутунтуркистон Олимпиадаси ўтказилди. У III арк жисмоний тарбиячиларининг байрамига айланди. Ушбу олимпиадада Сирдарё, Фаргона, Туркистон, Самарканд ва бошқа вилоятларнинг терма жамоалари иштирок этди.

1927 йил сентябрда ва 1928 йил июль ойида республикамизнинг жисмоний тарбия ташкилотлари биринчи ҳамда II Бутунўзбек спартакиадасини утказди.

Бу мусобакалар узбек спортчилари учун 1928 йилда Москвада булиб утадиган Бутуниттифок спартакиадага асосий тайёргарлик булиб хизмат килди.

1933 йилда Тошкентда III Бутунўзбек спартакиадаси ўтказилди. Спартакиадада республиканинг 8 та шаҳарларидан терма жамоалар иштирок этди.

1934 йилда Урта Осиё республикалари ва Козоғастон миллий давлатларга ажралишининг 10 йиллиги муносабати билан I Ўрта Осиё спартакиадаси ўтказилди.

1935 йилда республикада қуйидагилар ўтказилди:

— Тошкент шаҳар олий укув юртлари ва техникумлари спартакиадаси;

— Республика болалар спартакиадаси;

— I Бутунўзбек аёллар жисмоний тарбия байрами.

Шу йилда Тошкент шаҳрида Узбек давлат жисмоний тарбия техникумини очиш тугрисида қарор қабул қилинди.

1936 йил сентябрь ойида Тошкентда ГУ Бутун Ўзбекистон спартакиадаси ўтказилди, катнашчиларни Ўзбекистон КПМКнинг собик Биринчи котиби А. Икромов табриклади.

1934 йилдан бошлаб республика колхоз-совхозлари спартакиадалари ўтказила бошланди.

1938 йилда Бутуниттифок жисмоний тарбия парадиди республикамиз вакиллари 4 қисмдан иборат «Ўзбек халқининг сув, юқори пахта ҳосили учун кураши» инсценировкасини намойиш килди.

1939 йилда булиб утган Бутуниттифок; парадда Ўзбекистон жисмоний тарбиячилари гуллаб яшнаётган боғ кўринишида чиқиш уюштирдилар.

1940 йилдаги парадда Ўзбекистан жисмоний тарбиячилари чиқишларининг мавзуси килиб яна пахта - ўзбек халқининг асосий бойлиги танлаб олинди.

1936-1937 йилларда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ) очилди.

Марказий Осиё спартакиадаларида Ўзбекистан спортчилари иштироки

Спартакиадалар	Ўтказилган йили	Ўтказилган жойи
I	1934	Тошкент

II	1943	Олма-Ота
III	1944	Тошкент
IV	1945	Фрунзе
V	1948	Душанбе
VI	1950	Олма-Ота
VII	1952	Ашхобод
VIII	1954	Тошкент
IX	1957	Фрунзе
Марказий Осиё давлатларининг «Дустлик» ўйинлари	1991	Олма-Ота
I Марказий Осиё давлатлари ўйинлари	1995	Тошкент
II Марказий Осиё давлатлари ўйинлари	1997	Олма-Ота
III Марказий Осиё давлатлари ўйинлари	1999	Бишкек

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларидаги иштироки

Олимпиадалар	Ўтказилган йили	Ўтказилган жойи
XV	1952	Хельсинки
XVI	1956	Мельбурн
XVII	1960	Рим
XVIII	1964	Токио
XIX	1968	Мехико
XX	1972	Мюнхен
XXI	1976	Монреаль
XXII	1980	Москва
XXIV	1988	Сеул
XXV	1992	Барселона
XXVI	1996	Атланта
XVII кишки ўйинлар	1994	Лиллехаммер
XVIII кишки ўйинлар	1998	Нагано

Ўзбекистон спортчиларининг яхши ният ўйинларидаги иштироки

Ўйинлар	Ўтказилган йили	Ўтказилган жойи
I	1986	Москва
II	1990	Лос-Анжелес
III	1994	Санкт-Петербург

Ўзбекистон спортчилари — Олимпия ўйинлари голиблари ва совриндорлари руйхати

Йил	Ўйинлар	Фамилияси, исми	Спорт тури	Ўрин
1952	XV	Шамрай Галина	Гимнастика	1,2
1964	XVIII	Диамидов Сергей	Гимнастика	2
		Бабанина Светлана	Сузиш	3
		Устинова Наталья	Сузиш	3
1968	XIX	Дуюнова Вера	Волейбол	1
1972	XX	Дуюнова Вера	Волейбол	1

		Саади Элвира	Гимнастика	1
		Казаков Рустем	Юнон-рум кураши	1
		Жармухамедов Алжан	Баскетбол	1
1976	XXI	Рискиев Руфат	Бокс	2
		Федоров Владимир	Футбол	3
1980	XXII	Панфилов Александр	Велоспорт	2
		Шагаев Эркин	Сув полоси	1
		Павлова Лариса	Волейбол	1
		Ковшов Юрий	От спорта	1,2
		Ямбулатов Рустам	Стенд ўқ отиш	2
		Бутузова Наталья	Камон ўқ отиш	2
		Рузиев Собиржон	Қиличбозлик	2
		Горбаткова Нелли	Чим устида хоккей	
		Заздравних Валентина	Чим устида хоккей	3
		Ахмерова Лейла	Чим устида хоккей	3
		Хам Алина	Чим устида хоккей	3
		Зубарева Ольга	Кул тупи	1
1988	XXIV	Хадарцев Махарбек	Эркин кураш	1
		Фадзаев Арсен	Эркин кураш	1
		Муҳамедяров Наил	Оғир атлетика	2
		Гатауллин Родион	Енгил атлетика	2
		Заболотнов Сергей	Сузиш	3
1992	XXV	Сирцов Сергей	Огир атлетика	2
		Чусовитина Оксана	Гимнастика	2
		Галиева Роза	Гимнастика	1
		Шмюнина Марина	Енгил атлетика	1
		Асрабаев Анатолий	Ўқ отиш	2
		Захаревич Валерий	Киличбозлик	3
1994	XXVII Қишки	Черязова Лина	Фристайл	1
1996	XXVI	Багдасаров Армен	Дзюдо	2
		Туляганов Карим	Бокс	3
2000	XXVII	Абдуллаев Муҳаммадқодир	Бокс	1
		Таймазов Артур	Эркин кураш	2
		Михайлов Сергей	Бокс	3
		Саидов Рустам	Бокс	3

1945 йилнинг 7 октябридан 14 октябригача Фрунзе (Бишкек) шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаларининг IV спартакиадаси бўлиб ўтди.

Биринчи ўринни эгаллаган республикаимиз жамоаси Бутуниттифок, жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг қизил Байроқ, ордени билан тақдирланди.

1946 йилда республикаимиз вакиллари Бутуниттифок, жисмоний тарбиячилар

парадида қатнашди.

1948 йилда собиқ Ленин комсомолининг 30 йиллик юбилейига бағишланган V БутунЎзбекистон спартакиадаси ўтказилди.

1948 йил 10-15 октябрда Душанбе шаҳрида комсомолнинг 30 йиллигига бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг V спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг VI спартакиадаси 1950 йилда Олма-Отада, VII спартакиада 1952 йилда Ашхободда, VIII спартакиада 1954 йилда Тошкентда, IX спартакиада 1957 йилда Фрунзеда (Бишкек) ўтказилди.

Кўриниб турибдики, 1934—1957 йиллар ичида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг спартакиадаси тўққиз марта ўтказилган, 1956 йилдан бошлаб, республикамиз спортчилари собиқ Иттифоқ халқларининг ҳамма спартакиадаларида иштирок эта бошлаган.

I Иттифоқ халқлари спартакиадаси 1956 йилда; II -1959 й; III - 1963 й; IV - 1967; V - 1971; VI - 1975; VII -1979; VIII - 1983; IX - 1987 йилда ўтказилган.

Ҳамма спартакиадаларнинг финал қисми Москва шаҳрида бўлиб ўтган.

1995 йилда Тошкентда ХОҚ раҳбарлиги остида I Марказий Осиё ўйинлари ўтказилди.

1997 йилда Олма-Ота шаҳрида II Марказий Осиё ўйинлари бўлиб ўтди.

1994 йилда Ўзбекистонлик спортчилар Лиллехаммерда ўтказилган қишки Олимпия ўйинларида қатнашди.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақалардаги иштироки:

1996 йил - Атлантадаги ёзги Олимпия ўйинлари;

1998 йил - Наганодаги қишки Олимпия ўйинлари;

1994 йил - Хиросимадаги XII Осиё ўйинлари;

1996 йил - Харбиндаги III қишки Осиё ўйинлари;

1998 йил - Бангкокдаги XIII Осиё ўйинлари;

1999 йил - Конгводаги IV қишки Осиё ўйинлари;

1998 йил - Москвадаги ёшларнинг I Бутунжаҳон ўйинлари.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишидаги янги босқич

1999 йил 27 майда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси жисмоний тарбия ва спортнинг келажакдаги тақдирини учун муҳим бўлган «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги Қарорни қабул қилди. Ушбу қарорнинг аҳамияти шундан иборатки, жисмоний тарбия - спорт соҳасидаги ҳамма субъектлар фаолиятини давлатимизнинг янги сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш, шу асосда аввалги тоталитар тузим нуқсонларидан қутилишдир.

Бу Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спортининг ўз ривожланишида сифат жиҳатдан янги босқичга кирганлигини англатади.

Мустақил Ўзбекистонимиз ўз суверенитетининг биринчи кунлариданоқ жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига миллий тараққиётга ёрдам берувчи омил сифатида қатта эътибор қаратди. Айнан шу мақсадларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятидаги ўзгаришлар жамиятимизнинг янги иқтисодий ҳамда сиёсий шароитларига мослашишига қаратилди, яъни социалистик асосдаги жисмоний тарбия ва спорт тизимидан унинг бозор иқтисодиёти асосларига, жисмоний тарбия ва спортнинг тоталитар тизимдан демократик тизимга ўтиши амалга оширилди. Давлатимиз мустақил деб эълон қилингандан бошлаб, ярим йилдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, сўнгра жуда муҳим муаммолар аста-секин ҳал этила бошланди: «Соғлом авлод учун» устувор давлат сиёсати; футбол, теннис, курашни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлар; йирик халқаро спорт форумларининг ўтказилиши; миллий курашнинг халқаро миқёсга чиқиши — Халқаро кураш ассоциациясининг тузилиши ҳамда ушбу спорт тури бўйича Тошкентда биринчи жаҳон чемпионатининг зафарона ўтказилиши; ЎЗР МОҚнинг тузилиши, мустақил жамоа сифатида давлатимиз спортчиларининг Олимпия ўйинларида иштирок этиши ва ҳ.к.

Мана шундай муҳим ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, янги ҳукумат қарори ўзининг кенг миқёслиги, янгилиги, тубдан амалга оширилиши, долзарблиги билан ажралиб туради. Бу, шубҳасиз тарихий қарор, чунки у ватанимиз спорти тарихида янги босқични очиб беради.

Биринчидан, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришни кескин олдинга олиб чиқди. Қарор «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишни назарда тутди. Бу уни давлатимизнинг янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларига мослаштириш деганидир. Қарорнинг ушбу қисми бажариб бўлинди. 2000 йил май ойида Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририни қабул қилди. Унда қуйидаги вазифалар куйилади: қонуний-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва давлат, жамоат ҳамда хусусий жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан унга амал қилиш; спорт-соғломлаштириш клуби тўғрисидаги намунавий қридаларни тасдиқдаш; профессионал спорт лигалари, ассоциациялар ҳамда клубларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш ва тасдиқдаш; спортчилар ва клублар уртасида шартномалар тузиш.

Иккинчидан, қарор жисмоний тарбия ва спортни таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги тубдан узгаришлар жараёнига қўшиб юборади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» билан ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилиши жисмоний тарбия ва спорт бўйича юкори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилашни назарда тутди и, яъни: тренерларни тайёрлашда ЎзДЖТИ аҳамиятини ошириш, менежмент, маркетинг, миллий спорт турлари, ДЖТ бўйича мутахассисларни тайёрлашга киришиш лозим; вилоят университетлари ва педогогика институтларининг жисмоний тарбия факультетлари, мактабгача жисмоний тарбия бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун давлат стандартларини ишлаб чиқувчилари ҳамда бундай мутахассисларни тайёрлашга киришишлари зарур; Давлат спорт қўмитаси мутахассисларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациялаш ҳамда стажировка ўташ тизимини яратиш бўйича муҳим ишларни амалга ошириш керак; Нукус, Наманган, Фарғона, Қарши, Бухоро, Навоий, Термиз, Урганч, Жиззах, Гулистон шаҳарларида олимпия ўринбосарлари коллежларини ташкил қилиш йўли орқали уларнинг тармоғини кенгайтириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириш лозим.

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ҳаракатларининг «Ўзбекистан Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони билан мувофиқлаштирувчи жисмоний тарбия ва спортнинг соғлиқни сақлаш тизимига янада чуқурроқ қўшилиб боришини назарда тутди. Бунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш; «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш, ҳар йилги диспансеризация ва кўриқдан ўтказишни амалиётга татбиқ этиш; аҳоли ҳамма катламларининг жисмоний ривожланиш ҳолати даражасини текшириш; терма жамоаларимиз тайёргарлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш; тиббий-жисмоний тарбия диспансерлари, тиббий-назорат кабинетлари ҳамда жисмоний тарбия тикланиш марказлари тармоқларини кенгайтириш; корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ягона саломатлик хизматини (у соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда жисмоний тарбия мутахассисларини бирлаштиради) яратиш.

Учинчидан, қарор бутун жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини жадаллаштириш хусусиятига эга бўлган бир қатор муҳим масалаларни ҳал этади. Ушбу янги киритилган қўшимчаларнинг баъзиларида тўхталиб ўтамиз:

- жаҳоннинг йирик спорт давлатларида жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилишнинг клубли шакли энг асосий шакл сифатида ривожланади. Иккита турдаги клублар ривожлана бошлайди спорт клублари («Пахтакор» каби) ва аҳоли турли кдтламини соғломлаштириш учун мўлжалланган жисмоний тарбия соғломлаштириш клублари;

- маҳалла миллатни соғломлаштиришга ўз хиссасини қўшади. Ўзбекистан фуқаролар

жамиятининг ушбу шакли самарадорлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди ҳамда унинг бундай олижаноб ишларга, яъни миллатни соғломлаштириш тадбирларига қўшилиши жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳаракатига катта куч бағишлайди;

- учта даражадаги «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларининг киритилиши ўзбек спорт тақдири учун катта аҳамиятга эга. Аҳолининг кундалик турмушига махсус тестларнинг жорий этилиши жисмоний тарбия ва спортнинг ҳамма буғинларида, жисмоний тарбия-спорт фаолиятининг ҳамма субъектларида ишларни бошлаб юборишга имкон беради. «Алпомиш» ва «Барчиной» меъёрларини топширишга тайёргарлик кўриш ҳамда топшириш бўйича ишларни миллатни янада жисмоний ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида кўриб чиқиш лозим. Ушбу тестларнинг киритилиши аҳоли турли қатламларининг жисмоний тайёргарлиги ҳамда саломатлиги даражасини аниқлашга ёрдам беради;

- 2000 йилдан жамиятимиз ҳаётида жисмоний ривожланиш ва саломатлик тантанаси кунли сифатида умумхалқ «Спорт байрами»ни жорий этиш. Ушбу байрам орқали соғлом турмуш тарзини ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун обрўли ҳамда эътиборли даражага кўтаришга имкон яратилади;

- талабалар спорт ҳаракати бир пайтлар асоссиз йўқ қилинган эди ва биз жаҳон талабалари спорт ҳаракатидан четда қолиб кетдик. Қарор бу ҳолатга чек қўяди.

Янги «Талаба» деб номланган талабалар жамиятини ташкил этиш ҳамда унинг асосида жаҳон талабалар спортига қўшилиш лозим;

- «Коллеж спорти» ҳаракатини ташкил қилиш бўйича муҳим вазифа олдимизда турибди. Бу ҳаракат академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари талабаларининг жаҳон андозалари даражасида жисмоний ривожланишини таъминлаши зарур;

- жамоаларимизнинг спорт тайёргарлигини оширишга қаратилган муҳим янгилик - бу «Янгиобод» ва «Билдирсой» спорт базаларида ёзги ҳамда қишки спорт турлари бўйича олимпиячиларни тайёрлаш марказларига бўлган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда олимпия ўқув-тренировка марказларини яратиш;

- миллий спорт турлари, мусобақалари ва ўйинларини қайта тиклаш бўйича кўп йиллар давомида ишлар олиб борилмоқда: Шахрисабз шаҳрида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан Республика «Курашни ривожлантириш» маркази очилмоқда; Ипподром базасида Республика Миллий спорт турларини ривожлантириш маркази ташкил қилинди. Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг ушбу йўналишлари бўйича халқ фестивалларини амалиётга жорий этиш миллий спорт турлари, мусобақалари ва ўйинларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Фестиваллар туманлар, вилоятларда ҳам да икки йилда бир марта республикада ўтказилади.

Қарор қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спорт тизими учун мамлакатимиз аҳолисини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида соғломлаштириш бўйича муҳим давлат вазифасини ҳал этишда янги туртки бўлди.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Джалилова Л.А. Олимпия билим асослари. Ўқув-услубий тавсиялар. Т.: ИТА-ПРЭСС, 2015.
2. Ernazarov E. Olimpiada-jahon sporti bayrami. Ilmiy-ommabop risola. Т.: “Sharq”, 2008.
3. Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2008

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА СПОРТ
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ КАФЕДРАСИ**

**ФАН ЮЗАСИДАН ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ
ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ
БЎЙИЧА**

ЙЎРИҚНОМА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
Б У Й Р У Қ**

Тошкент шаҳри

14 август 2009 й. № 286

**Талабалар мустақил ишларини
ташқил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий ислохатлар амалга оширилишининг 2009 йил 1 ярим йиллиги якунлари бўйича 2009 йил 4 июль мажлиси баёнининг 25-банди топшириғи, вазирликнинг 2009 йил 9 июль №241/1-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тadbирлар мажмуининг 1, 4- банди ижросини таъминлаш 2008/2009 ўқув йилида мустақил таълим – тарбия жадвали асосида ташқил қилинган махсус тарбиявий курсларни ўқитиш бўйича ўтказилган тажриба – синов ишлари тахлили асосида 2009/2010 йилида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларни такомиллаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари ўқув режаларининг “Умумметодолоик фанлар” блокига “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани киритилсин (3-семестр; умумий юклама-96 соат; аудитория юкламаси – 60 соат; маъруза -30 соат, семинар- 30 соат, мустақил таълим – 36 соат).

2. “Талабалар мустақил ишини ташқил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига

Ўқув режаларига мувофиқ фанлар бўйича бажариладиган мустақил ишлар услубий таъминотини тасдиқланган Йўриқнома талаблари асосида ишлаб чиқарилиши таъминлансин.

Талабалар мустақил ишларини бажариш юзасида тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ҳафтасига 4 соат ҳажмида консултациялар жадваллари ишлаб чиқилсин.

Кафедралар томонидан талабалар мустақил ишлари консултацияларни тегишли фанининг календар – тематик режасига киритилган ҳолда жадвалга мувофиқ ўтказилиши таъминлансин;

Аудитория фонди имкониятларидан келиб чиққан ҳолда талабалар мустақил ишларини бажариш учун махсус хоналар ажратилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва техник воситалари билан (компьютер, мультимедия дастурлари, электрон дарсликлар, ўқув адабиётлари, курс лойиҳаларини бажариш учун чизма – ўқув қуроллари (чизмачилик доскаси) ва х.к) жиҳозлансин.

Талабалар мустақил ишларини бажариш бўйича консултацияларнинг жадвалларга мувофиқ ташқил этилиши ва сифати мунтазам ўрганиб борилсин ҳамда натижалари Илмий – услубий кенгашларда муҳокама қилиниб, уларни самарадорлигини ошириш чоралари белгилансин.

4. Маскур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўри нбосари У.Бегимкуловга юклатилсин.

Вазир:

А.Парпиев

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндашган ҳолда муаммоли вазиятларни туғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулоти пайтида талабаларга етказиш кийин.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талаба мустақил иши (ТМИ) - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришга йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури - олий таълим талабаларга кўникиши кийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини туғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини туғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди.

Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни туғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларининг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинishi лозим:

- ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий

ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади.

ТМИни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- курс иши (лойиҳалари)ни бажариш;
- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар тўплаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш;
- макет, модел ва бадий асарлар устида ишлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;
- уй вазибаларини бажариш ва бошқалар.

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазибалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади. Топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш. Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада химоя қилинади.

Реферат тайёрлаш. Талабага қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида химоя қилинади.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзуни баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, макетлар, моделлар, графиклар, намуналар, мусиқий асар, кичик бадий асар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазибани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин.

Талаба кўргазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада химоя қилади.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш. Талабага

муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутиладиганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали моментларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилди. Консултация пайтларида бажарилган ишларнинг қўйилган вазифа ва талабларга жавоб бериш даражаси назорат қилинади (қайта ишлаб келиш, аниқлаштириш ёки тўлдириш таклиф этилиши мумкин).

Тест, савол ва топшириқлар мажмуаси кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) илмий (рефератив) ҳарактерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қилади, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

Амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш. Бир мавзу ёки бўлим бўйича ностандарт, алоҳида ёндашиш талаб қилинадиган, назарий аҳамиятга эга бўлган амалий топшириқлар, ижодий ёндашиш талаб қилинадиган илмий-ижодий вазифалар, моделлар, макетлар, намуналар яратиш вазифаси топширилиши мумкин. Амалий топшириқлар масалани ҳал қилишнинг оптимал вариантларини излашга ва топишга қаратилган бўлиши керак.

Талабанинг қизиқиш ва қобилиятига қараб, унга илмий ҳарактердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп этириш мумкин.

Талабалар мустақил ишини самарали ташкил этишда:

тизимли ёндошиш;

барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;

бажарилиши устидан қатий назорат ўрнатиш;

ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Мустақил иш топшириқлари муваффақиятли якунланиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

мақсад (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ҳ.к.) аниқ асосланиши;

вазифа ва топшириқларнинг аниқ-равшан белгиланиши;

топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан талабаларнинг етарли даражада хабардор бўлиши;

маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, айрим муаммоли моментларни биргаликда ҳал қилиш ва ҳ.к.);

ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;

назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий семинар, лаборатория машғулоти, консултация учун ёки назорат учун махсус ажратилган вақт; маъруза ё реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмали жиҳозлар ва ижодий ишлар; савол-жавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва ҳ.к.).

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

аудиторияда амалга ошириладиган ТМЙлари: ўтилган мавзуни қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган ТМИлари: ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар ва ҳ.к.

Биринчи тур ишлари талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳ.к. усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назорат) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг дарс пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган топшириқларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгаланган консултация соатларида амалга оширилади.

Талабалар мустақил ишини баҳолаш. ТМИ натижалари амалдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими туғрисидаги Низом"га асосан баҳолаб борилади.

Талабалар мустақил иши бўйича консултациялар ташкил этиш тартиби:

1. Талабалар мустақил иши (ТМИ) бўйича консултациялар дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилдиб бориш мақсадида ташкил қилинади.

2. ТМИ бўйича консултация дарси фаннинг календар тематик режасига мувофиқ ўтказилади.

3. Консултация дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

4. Фан ўқитувчиси консултация дарсида қуйидаги ишларни амалга оширади:

- ТМИ топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради;
- топшириқ бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;
- тегишли адабиётлар ва ахборот манбаларини тавсия этади;
- ТМИ юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қилади ҳамда баҳолайди.

5. ТМИ бўйича консултациялар ўқув жараёнининг 1 ёки 2 сменада ташкил этилишига қараб талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида дарс жадвалига киритилади.

6. ТМИ бўйича консултация дарслари ўқитувчи журналарида қайд этиб борилади.

Глоссарий

- Стадий** – қадимги юнон ўйинларида югуриш масофаси (192 м 27 см)
- Стадиодром**- қадимги юнон ўйинларида 175 мдан 192,27мгача масофага югуриш
- Диалуос**- қадимги юнон ўйинларида 2 стадий масофага югуриш
- Долиходром**- қадимги юнон ўйинларида 24 стадий масофага югуриш
- Пентатхлон**- қадимги юнон ўйинларида югуриш, сакраш, найза ва диск улоктириш, курашдан иборат бўлган машқлар
- Панкратион**- қадимги юнон ўйинларида кураш ва кўл жангидан иборат бўлган машқлар
- Экехейриа** – қадимги юнон ўйинлари вақтида эълон қилинган муқаддас тинчлик
- Педотриб** - қадимги юнон ўйинларида мураббий
- Педоном** - ёш спарталиқларнинг тарбиячилари
- Элланодик** – қадимги юнон ўйинларида хакамлар
- Олимпионик** – қадимги юнон ўйинларидаги ғолиблар
- Олимпиада** – олимпия ўйинлари оралиғидаги тўрт йиллик
- Эдикт** – фармон
- Гуманист** – ўрта асрларда инсонпарвар маърифатчилар
- Филантропин** – янги даврда инсонпарвар маърифатчилар томонидан очилган мактаблар
- Скаут** – XIX аср охири-XX аср бошларида ёшлар ҳарбий-спорт ташкилотининг аъзоси
- Милитаризм** – мамлакатда барча соҳаларни ҳарбий мақсадларга йўналтириш
- Хартия** – қонун-қоидалар тўплами, конституция
- Олимпия хартияси** – Халқаро Олимпия Кўмитасининг асосий ҳужжати
- Олимпизм** – олимпия ҳаракатининг асосий ғояси, яъни спорт, маданият ва таълимни боғлиқлиғидир.

Иловалар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди:

№ _____
2018 ____ й. « ____ » _____

«Тасдиқлайман»

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____ М.Эсанов
« ____ » _____ 2018 йил

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМПИА ҲАРАКАТИ»
ФАНИНИНГ МУВАҚҚАТ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100000 – гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110000 – педагогика
Таълим йўналиши:	5112000 – жисмоний маданият

Наманган-2018

Фаннинг муваққат дастури Наманган давлат университети Кенгшининг 2018-йил 3-сентябр 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган 5112000-жисмоний маданият йўналиши ишчи ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|----------------|--|
| Арипов Й.Й. | - Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси бўлими бошлиғи, п.ф.н., доцент |
| Бойбобоев Б.Ғ. | - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси мудири, п.ф.н., доцент |
| Исмоилов Т.У. | - НамДУ Спорт фаолияти кафедраси доценти, п.ф.н. |
| Абдуллаев Д.С. | - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси ўқитувчиси |
| Мамажонов Д.А. | - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси стажёр ўқитувчиси |

Такризчилар:

- | | |
|----------------|---|
| Мадаминов Б.Ш. | - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси доценти, п.ф.н. |
| Сиддиқов С.М. | - Фар ДУ Жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси доценти, п.ф.н. |

Мазкур фаннинг муваққат дастури НамДУ ўқув-услубий Кенгашининг 2018 йил __ _____даги __-сон мажлиси баёни билан тасдиқланган.

Келишилди:

Ўқув услубий бошқарма бошлиғи:

Д.Деҳқонов

I. Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанининг муваққат дастури тузилмаси ва мазмуни.

Кириш

Олимпия ўйинлари ва олимпизмни ўрганишнинг педагогик, ижтимоий ва илмий жиҳатлари мавжуд. Буларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда Олимпия билимлари тушунчаси билан изоҳлаш ва ўрганиш мумкин. Олимпия билимларини эгаллаш натижасида Олимпия таълимоти ва ғоялари тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Олимпия билимлари инсоннинг умумий маданиятининг бир бўлаги бўлган инсонпарвар дунёқараш ва таълимнинг муҳим элементиدير. Олимпизм ва Олимпия ҳаракатини ўрганиш мажбурият, масъулият, интизом, ҳурмат, ўз-ўзини такомиллаштириш, адолатли ўйин тамоилларини хусусиятлари ҳамда аҳамиятини тушуниш имконини беради.

Мазкур фан дастури 5112000-жисмоний маданият таълим йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, ушбу фанни II- ва ВИИ- семестрлар давомида ўқитиш кўзда тутилган бўлиб, унда Халқаро ва Ўзбекистон олимпия ҳаракати, Олимпия Қўмитаси фаолияти ва ташкил этилиши, Ўйинлар бўлиб ўтган жойлар ва улар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар берилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида (1991-2018) Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларидаги иштироки хронологик тарзда талабаларга етказилди. Бундан ташқари ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабада ёзги ва қишки Олимпия ўйинлари тўғрисида етарлича тасаввур шаклланади. Олимпия Хартияси тўғрисидаги билимларни бериб боради.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади – ахлоқий, жисмоний, ижтимоий ва интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган бўлиб, бўлажак кадрларга Олимпия ўйинлари, олимпия ҳаракати тўғрисида атрофлича ва чуқур касбий билимлар бериш, халқаро спорт ва олимпия ҳаракатининг турли тарихий даврларда ривожланиш қонуниятлари, тизимлари тўғрисидаги назарий билимларини кенгайтиришдан иборатдир.

Келажақдаги иш фаолиятларида касбий-амалий аҳамият касб этувчи жисмоний маданият ва спортнинг маънавий асоси ҳисобланган олимпизм таълими бўйича билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришни кўзда тутди.

Фаннинг вазифалари – бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларига олимпия билимлари асосларини илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, олимпия спорти соҳасида эришилган ютуқларни, Ўзбекистонда олимпия спорти тарихини, олимпия спорти соҳасининг энг илғор тажрибалари, усуллари ва воситалари, шакллари билан таништиришдан иборат. Фанининг муҳим вазифаси халқаро спорт ва олимпия ҳаракати хусусиятларини ўрганиш ва унинг ривожланиш йўллари таҳлил қилишдир.

Ўқув муассасалари (умумтаълим мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллеж) ўқувчиларини ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялашда олимпия таълимининг инсонпарварлик, ҳалоллик, олимпия маданияти, кадрияти, олимпизмнинг гуманистик ғояларини ва билимларини шакллантиришда кўмаклашиш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- олимпия таълимининг назарий асосларини, олимпизм ғояларини тарғибот қилиш усуллари ва энг илғор тажрибаларни билиши;

- жаҳонда олимпия ҳаракатининг асосий даврларини, ривожланиш қонуниятларини билиши;

- Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини ривожланиш тарихи тўғрисидаги билимларга эга бўлиши керак.

Кўникма. Олимпизмнинг универсал ва инсонпарвар қадриятлари нуқтаи назаридан ёшларга билим бериш;

- мотивацияни шакллантириш ва такомиллаштириш, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш зарурияти;

- шахсни ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзини такомиллаштиришни амалга ошириш, ахлоқий ва жисмоний соғлиғига нисбатан масъулиятли муносабатни тарбиялаш;

- олимпия ғояларини тушунтириш ва оммалаштириш каби *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

Малака-бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари умумтаълим мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ҳамда бошқа таълим муассасаларда ўқувчиларга олимпия ўйинлари ва ҳаракати унинг инсонпарвар ғоялари ва тамойиллари, адолатли ўйин (Фаир плей) тамойиллари ҳақидаги билимларни бера олиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жihatдан узвий кетма – кетлиги

Ушбу фан Олимпия ўйинлари ва ҳаракатининг мазмуни ҳисобланиб, унинг келиб чиқиши, тарихи, мақсадлари, олимпия таълими назарияси ҳақидаги билимларни эгаллашнинг педагогик жараёнидир. Спортнинг ўзига хос фаолият тури, унинг гуманитар салоҳияти бўлиб хизмат қилади. "Ўзбекистонда олимпия ҳаракати" фани Жисмоний маданият таълим йўналиши ўқув режасининг мазмуни, замонавий таълим тамойилларига мос келади.

Бундан ташқари ушбу фан курсида учрайдиган атамалар ҳамда принципларни мазмунини етарлича тушуниш учун Ўзбекистон тарихи, фалсафа, умумий педагогика ва психология, жисмоний маданият назарияси ва методикаси, гимнастика ва уни ўқитиш методикаси, енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси, спорт ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси, спорт психологияси каби фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

1.5. Фанни таълимдаги ўрни

Олимпия таълими спорт билан инсоннинг интеллектуал, ахлоқий ва жисмоний хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган умумий таълимнинг бир қисми бўлиб, у халқаро миқёсда тинчликни таъминлашга хизмат қилишга интилади, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги фарқларни инобатга олган ҳолда, ижтимоий адолатни ўрнатиш ва ватанпарварлик руҳини ривожлантиришга интилади.

Ушбу фан тизимининг қуйидаги элементлари мавжуд:

- спорт соғлиқни сақлаш воситаси сифатида;

- спорт гўзаллик сифатида;

- спортда ва спорт асосида ёшларни адолатли ўйин қоидалари руҳида тарбиялаш;

- ёшларга жасоратни ўргатиш;

- спорт ёрдамида инсонийликни тарбиялаш;

- олимпия спортини тинчликни мустаҳкамлаш учун қўллаш;

- спорт билан шуғулланиш асосида маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш.

Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фани спорт ва олимпия ўйинларининг турли қирраларини, уларнинг аҳамиятини спортчилар, ёшлар ўртасида оммовий равишда тарғиб қилиш, турли мамлакатлар ва халқлар маданиятига ва халқаро ҳамжамиятга татбиқ этиладиган спорт ва ижтимоий-маданий салоҳиятни самарали ва кенг талқин қилишда хизмат қилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ўқув жараён билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва

мултимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

«Ўзбекистонда олимпия ҳаракати» фанини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концертвал ёндошувлардан фойдаланилади:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишини назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёنли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратишга заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини фаоллаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборот тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш-янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усулари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, амалий ишлар.

Ўқитишнинг ташкил этиш шакллари: диалог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитишнинг воситалари: ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров. Оралиқ- ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технология карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

«Ўзбекистонда олимпия ҳаракати» фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан ва Интернет тармоғидаги расмий кўрсаткичлардан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва яқуний назоратлар ўтказилади.

II. Асосий қисм.

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни.

Фаннинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) фанни мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиқ берилди. Бунда мавзу бўйича талабаларга ДЦ асосида эътиборини зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатида қўйилган талаб мавзуларнинг долзарблиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

1-маву: Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанига кириш. Қадимги олимпия ўйинлари

Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари, ушбу фанни ўқитишнинг зарурати, қадимги олимпия ўйинлари ҳақидаги маълумотлар берилди.

2-маву: Замонавий олимпия ўйинларининг қайта тикланиши (Пер де Кубертен)

Олимпия ўйинларини қайта тиклаш ғояларининг ривожланиши, биринчи конгресс ва унинг тарихий аҳамияти, олимпия ўйинларини қайта тикланишида Пер де Кубертеннинг хизматлари ва унинг замонавий олимпия концепсиясида шахс ривожланиши.

3-маву: Халқаро олимпия қўмитаси фаолияти

Халқаро олимпия тизимининг умумий тузилмаси. Халқаро Олимпия Қўмитаси ва унинг фаолияти. Олимпия Хартияси - олимпия ҳаракатининг асосий ҳуқуқий ҳужжати. ХОҚнинг мақсади ва вазифалари. ХОҚнинг таркиби ва асосий органлари. ХОҚ президентлари.

ХОҚнинг штаб-квартираси. Олимпия конгресслари ва уларнинг аҳамияти. Халқаро спорт федерациялари ва уларнинг фаолияти.

4-маву: Миллий олимпия қўмиталари фаолияти (Ўзбекистон МОҚ)

Миллий олимпия қўмитасининг умумий тузилмаси ва унинг фаолияти. МОҚнинг асосий ҳуқуқий ҳужжатлари. МОҚнинг мақсади ва вазифалари. МОҚнинг таркиби ва асосий органлари. Ўз.МОҚ президентлари. Ўзбекистон спорт федерациялари ва уларнинг фаолияти.

5-маву: Халқаро ва Ўзбекистон Республикаси олимпия академияси

Халқаро ва Ўзбекистон Республикаси олимпия академияси фаолияти, мақсади ва вазифалари, Ўзбекистон олимпия академиясининг ташкилий тузилмаси.

6-маву: Олимпия ўйинлари рамзлари ва Олимпия музейлари

Олимпия байроғи, машғаласи, мадҳияси, қасамёди, олимпия ўйинлари логотиплари ва тимсоллари.

7-маву: Ўзбекистонда спортнинг ривожланиш хронологияси

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда қабул қилинган қонун ва қарорлар, турли спорт ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари, Республикамиз спортчиларининг жаҳон мусобақаларидаги иштироки, Ўзбекистон Олимпия ўйинларида.

III. Семинар ва амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулоти мултимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ. гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Семинар машғулоти учун тавсия этилган мавзулар:

1. Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанига кириш. Қадимги олимпия ўйинлари
2. Замонавий олимпия ўйинларининг қайта тикланиши (Пер де Кубертен)
3. Халқоро олимпия қўмитаси фаолияти
4. Миллий олимпия қўмиталари фаолияти (Ўзбекистон МОҚ)
5. Халқоро ва Ўзбекистон Республикаси олимпия академияси
6. Олимпия ўйинлари рамзлари ва Олимпия музейлари
7. Ўзбекистонда спортнинг ривожланиш хронологияси

Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар талабалар олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлашга қатъан ёрдам беради. Ҳар бир амалий машғулоти, дастлаб ишнинг мақсадини ва мавзуга оид назарий билимларни қисқача ёритишдан бошланади. Сўнг ишни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва қўйилган мақсадни амалга ошириш учун талаб қилинган вазифалар бажарилади.

Амалий машғулоти учун тавсия этилган мавзулар:

1. Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанига кириш. Қадимги олимпия ўйинлари
2. Замонавий олимпия ўйинларининг қайта тикланиши (Пер де Кубертен)
3. Халқоро олимпия қўмитаси фаолияти
4. Миллий олимпия қўмиталари фаолияти (Ўзбекистон МОҚ)
5. Халқоро ва Ўзбекистон Республикаси олимпия академияси
6. Олимпия ўйинлари рамзлари ва Олимпия музейлари
7. Ўзбекистонда спортнинг ривожланиш хронологияси

Изоҳ: Фан ишчи дастурини шакллантириш жараёнида мазкур машғулоти учун ишчи ўқув режада кўрсатилган соатлар ҳажмига мос мавзулар рўйхати шакллантирилади.

Семинар ва амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва қўникмаларни амалий масалалар ечиш орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмалар куруллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

ИВ. Талабаларни мустақил ишини ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни ташкил этишнинг шакли бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўрганиш;
- махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулар билан ишлаш.

Мустақил иш бажариладиган мавзулар бўйича саволномалар, тестларни тузиш, саволларга фойдаланишга тавсия этилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзма ва тест тарзда жавоб бериш, ҳар бир мавзу бўйича тавсиялар бериш ва бошқалар.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг мазмуни: талабаларнинг мустақил иш мавзулари келгусида бажариладиган битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

Талабаларга мавзулар бўйича қўшимча илмий адабиётларни ўрганиш ва мустақил иш ёзиш тавсия этилади.

Мустақил ишлар учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Қадимги юнон-рум фалсафаси, тиббиёти ва санъатида жисмоний тарбия масалалари.
2. Ўрта асрларда Осиё, Америка ва Африка мамлакатларида жисмоний тарбия.
3. Жаҳон ва Европада спорт турлари бўйича биринчи чемпионатларининг ташкил топиши.
4. Халқаро спорт ва олимпия ҳаракатининг долзарб муаммолари.
5. Олимпия Конгресслари ва уларнинг аҳамияти.
6. Пер де Кубертен - замонавий олимпия ҳаракатининг асосчиси.
7. Халқаро спорт ва олимпия ҳаракатининг долзарб муаммолари.
8. Халқаро Олимпия Академияси ва унинг фаолияти.
9. Қадимги Ўзбекистон халқларининг жисмоний машқлари ва ўйинлари.
10. Марказий Осиё ва Ўзбекистонга ҳозирги замон спортининг кириб келиши.
11. Ўзбекистонда биринчи спорт жамиятларининг ташкил топиши.
12. Ўзбекистонда замонавий спорт турларининг ривожланиши.
13. Абдурауф Фитратнинг жисмоний тарбия тўғрисидаги фикрлари.
14. Абдулла Авлонийнинг жисмоний тарбия тўғрисидаги фикрлари.
15. Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтининг ташкил топиши.
16. Ўзбекистон спортчиларининг 1952-1992 йиллардаги Олимпия ўйинларида иштироки.
17. Мустақил Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ўйинларидаги ютуқлари.
18. Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунинг аҳамияти.
19. Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия Қўмитаси, мақсади ва вазифалари.
20. Ўзбекистон спортчиларининг 1996-2016 йиллардаги Олимпия ўйинларида иштироки.
21. Ўзбекистон спортчиларининг қишки Олимпия ўйинларидаги иштироки.
22. Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ўйинларидаги иштироки.
23. Ўзбекистон Олимпия Академияси ва унинг фаолияти.
24. Ўзбекистон Олимпия Шон - шухрати музейининг аҳамияти.
25. Ўзбекистон талабаларининг Универсиадалари.
26. Ўзбекистонда болалар спортининг ривожланиши.
27. Ўзбекистонда хотин-қизлар спортининг ривожланиши.
28. Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракатининг вужудга келиши.
29. Ўзбекистонда олимпия спорт турларининг ривожланиши.
30. Танланган спорт турларининг тарихи.

Axborot - uslubiy ta'minoti

VI. Asosiy va qo'shimcha adabiyotlar hamda axborot manbaalari Asosiy adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi qonuni. "Xalq so'zi" gazetasi, 2015 yil 5 sentabrdagi soni.
2. Akramov A.K. O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport tarixi. O'quv qo'llanma. T.: O'zDJI, 1999. – 100 b.
3. Jalilova L.A. Jismoniy tarbiya va sport tarixi. – Toshkent. 2013. -142 b.
4. Olimpiya sport o'yinlari. Uslubiy qo'llanma. – Toshkent. "Fan" nashriyoti, 2006. – 127 b.

5. Eshnazarov J. Jismoniy madaniyat tarixi va boshqarish. – T.: “Fan va texnologiya” nashriyoti. 2008. -388 b.
6. Ernazarov E. Olimpiada – jahon sporti bayrami / Taxrir hay’ati: R.J. Kurbonov va boshk., – T.: «Sharq», 2008. - 224 b.
7. Нормурадов А. Олимпийские игры: (для студентов и учащихся филологического направления) / А.Н.Нормурадов, И.И.Моргунова; МВ и ССО РУз. - Т: Ношир, 2011. - 240 с.
8. Mualliflar jamoasi. “Olimp sari”. – Toshkent. “Navro‘z”. 2017. - 208 b.
9. Столяров В.И. Олимпийское образование и спартианская система воспитания // Спорт, духовные ценности, культура. - М., 1997. - Вып. 6. - С. 71-233.
10. Твой олимпийский учебник[Текст] : учеб. пособие для олимп-ийского образования / В. С. Родиченко и др. ; Олимпийский комитет РоссИ. – 26-е изд., перераб. и дополн. – М. : Спорт, 2017. – 224 с. : ил.
11. Binder, Deanna L. (2010): Teaching Olympism in schools: Olympic Education as a focus on values education: university lectures on the Olympics [on line article]. Bellaterra : Centre d’Estudis Olímpics (UAB). International Chair in Olympism (IOC-UAB).

Qo‘shimcha adabiyotlar

5. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q. T.: “O‘zbekiston”, 1998.
6. Karimov LA. Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. T.: “O‘zbekiston”, 2008.
7. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash - yurt taraqqiyoti va xalq faravonligining garovi. T.: “O‘zbekiston”, 2016. - 32 b.
8. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalrkda barpo etamiz. T.: “O‘zbekiston”, 2016. - 56 b.
9. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahliliy qa’tiy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik, har bir rahbarning kundalik qoidasi bo‘lishi kerak.
10. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. T.: “O‘zbekiston”, 2017. - 485 b.
11. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq. T.iO‘qituvchi, 1992.
12. Djalilova L.A. Olimpiya bilim asoslari. O‘quv-uslubiy tavsiyalar. T.: ITA- PRESS, 2015.
13. Олимпия билимлари асослари: (Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқув қўлланма) / Муаллифлар: А.Қ.Хамроқулов, Т.Т.Юнусов, Э.К.Шатерников ва бoshk.,; С.С.Рўзиевнинг умумий тахрири остида. – Т.: «Шарк», 2002 . -96 б.
14. Deanna L. Binder. Teaching values an olympic education toolkit. International Olympic Committee. 2007.
15. Konstantinos G. The implementation of Olympic education programs at World level. Procedia Social and Behavioral Sciences 41 (2010) 6711–6718.

Internet saytlari

1. www.gov.uz- O‘zbekiston Respublikasi xukumat portali.
2. www.lex.uz O‘zbekiston Respublikasi Qonun xujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi.
3. www.ziyonet.uz - O‘zbekiston Respublikasi madaniy-ma’rifiy portali.
4. www.natlib.uz - O‘zbekiston Respublikasi Milliy kutubxonasi.
5. www.olimpic.uz - O‘zbekiston Respublikasi Milliy Olimpiya qomitasi.
6. www.paralympic.uz - O‘zbekiston Raralimpiya assosiatsiyasi.
7. www.fan-sportga.uz-djti.uz - O‘zbekiston Respublikasi “Fan-sportga” jurnali.
8. www.sport-futbol.uz - O‘zbekiston “Sport+futbol” gazetasi.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди:

№ _____

2018 ____ й. « ____ » _____

«Тасдиқлайман»

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____ М.Эсанов

« ____ » _____ 2018 йил

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМПИА ҲАРАКАТИ

ФАНИ БЎЙИЧА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – гуманитар

Таълим соҳаси: 110000 – педагогика

Таълим йўналиши: 5112000 – жисмоний маданият



Наманган-2018

Фаннинг ишчи ўқув дастури НамДУ Кенгашининг 2018 йил _____даги _____сон мажлис баёни билан тасдиқланган муваққат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Бойбобоев Б.Ғ. - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси мудир, п.ф.н.
- Абдуллаев Д.С. - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси ўқитувчиси
- Мамажонов Д.А. - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси стажёр ўқитувчиси

Такризчилар:

- Мадаминов Б.Ш. - НамДУ Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси доценти, п.ф.н.
- Исмоилов Т.У. - НамДУ Спорт фаолияти кафедраси доценти, п.ф.н.

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш” кафедрасининг 2018 йил “__” _____даги “__”-сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва факультет кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудир:

Б.Бойбобоев

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Жисмоний маданият” факультети кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия қилинган (2018 йил _____даги _____сонли баённома)

Факультет кенгаши раиси:

Ғ.Абдуллаев

Келишилди:

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи:

Д.Дехқонов

Ишчи ўқув дастури Наманган давлат университети кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

2018 - йил “__” _____даги _____сонли мажлис баёни

I. Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанининг ишчи ўқув дастури тузилмаси ва мазмуни

1.1. Кириш

Олимпия ўйинлари ва Олимпизмни ўрганишнинг педагогик, ижтимоий ва илмий жиҳатлари мавжуд. Буларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда олимпия билимлари тушунчаси билан изоҳланади ва ўрганилади. Олимпия билимларини эгаллаш натижасида Олимпия таълимоти ва ғоялари тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Олимпия таълими инсоннинг умумий маданиятининг бир бўлаги бўлган инсонпарвар дунёқараш ва таълимнинг муҳим элементидир. Олимпизм ва Олимпия ҳаракатини ўрганиш мажбурият, масъулият, интизом, ҳурмат, ўз-ўзини такомиллаштириш, адолатли ўйин тамоилларини хусусиятлари ҳамда аҳамиятини тушуниш имконини беради.

Мазкур фан дастури бакалаврият йўналиши: 5112000-жисмоний маданият таълим йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, “Ўзбекистонда олимпия ҳаракати” фанини I- ва VII-семестрлар давомида ўқитиш кўзда тутилган ва унда Халқаро ва Ўзбекистон олимпия ҳаракати, Олимпия Қўмитаси фаолияти ва ташкил этилиши, Ўйинлар бўлиб ўтган жойлар ва улар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар берилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида (1991-2018) Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия Ўйинларидаги иштироки хронологик тарзда талабаларга етказилади. Бундан ташқари ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабада ёзги ва қишки Олимпия Ўйинлари тўғрисида етарлича тасаввур шаклланади. Олимпия Хартияси тўғрисидаги билимларни бериб боради.

1.2. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади – ахлоқий, жисмоний, ижтимоий ва интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган бўлиб, бўлажак кадрларга Олимпия ўйинлари, олимпия ҳаракати тўғрисида атрофлича ва чуқур касбий билимлар бериш, халқаро спорт ва олимпия ҳаракатининг турли тарихий даврларда ривожланиш қонуниятлари, тизимлари тўғрисидаги назарий билимларини кенгайтиришдан иборатдир.

Келажақдаги иш фаолиятларида касбий-амалий аҳамият касб этувчи жисмоний маданият ва спортнинг маънавий асоси ҳисобланган олимпизм таълими бўйича билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришни кўзда тутди.

Фаннинг вазифалари – бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларига олимпия билимлари асосларини илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, олимпия спорти соҳасида эришилган ютуқларни, Ўзбекистонда олимпия спорти тарихини, олимпия спорти соҳасининг энг илғор тажрибалари, усуллари ва воситалари, шакллари билан таништиришдан иборат. Фанининг муҳим вазифаси халқаро спорт ва олимпия ҳаракати хусусиятларини ўрганиш ва унинг ривожланиш йўллари таҳлил қилишдир.

Ўқув муассасалари (умумтаълим мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллеж) ўқувчиларини ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялашда олимпия таълимининг инсонпарварлик, ҳалоллик, олимпиада маданияти, қадрияти, олимпизмнинг гуманистик ғояларини ва билимларини шакллантиришда кўмаклашиш.

1.3. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Ўзбекистонда олимпия ҳаракати фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- олимпия таълимининг назарий асосларини, олимпизм ғояларини тарғибот қилиш усуллари ва энг илғор тажрибаларни билиши;

- жаҳонда олимпия ҳаракатининг асосий даврларини, ривожланиш қонуниятларини билиши;

- Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини ривожланиш тарихи тўғрисидаги билимларга эга бўлиши керак.

Кўникма. Олимпизмнинг универсал ва инсонпарвар қадриятлари нуктаи назаридан

ёшларга билим бериш;

- Мотивацияни шакллантириш ва такомиллаштириш, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш зарурияти;

- шахсни ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзини такомиллаштиришни амалга ошириш, ахлоқий ва жисмоний соғлиғига нисбатан масъулиятли муносабатни тарбиялаш; Олимпия ғояларини тушунтириш ва оммалаштириш каби *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

Малака. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари умумтаълим мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ҳамда бошқа таълим муассасаларда ўқувчиларга олимпия ўйинлари ва ҳаракати унинг инсонпарвар ғоялари ва тамойиллари, адолатли ўйин (Фаир плай) тамойиллари ҳақидаги билимларни бера олиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

1.4. Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жихатдан узвий кетма – кетлиги

